O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 14-DEKABR ■ SESHANBA ■ 150-151 (27.326) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ




## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қанотидир. Партия меҳнат аҳли — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, шунингдек ҳарбий хизматчилар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя этади**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, Конституциявий суд, Олий суд, Ҳарбий суд, Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура раҳбарлари, шунингдек, парламент қўмиталари ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтига ҳамкор ташкилотлар, жамоат, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Р.Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу тадбирнинг ўтказилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон фуқароларининг имкониятларини кенгайтириш ва тўлдириш, миллий ташкилотларнинг халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳолининг, жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаларига йўналтирилган.

Қайд этиш керакки, омбудсман ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти жорий этилганидан бошлаб мамлакатимиз фуқаролари манфаатлари йўлида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳар икки тузилма фаолиятининг профилактик характери, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида мониторингдан кенг фойдаланишидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорликнинг турли шаклларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бундай ҳамкорлик чет элларда, жумладан Россия Федерациясида ҳам мавжуд.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари бўйича давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг долзарблиги ва зарурияти, мазкур масалалар бўйича мониторинглар ўтказилиши соҳа мутахассисларига эришилган натижаларни мавжуд миллий тажриба ва хорижий мамлакатлар амалиёти билан солиштириш имконини беради.

Йиғилишда Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Азимбеков, Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Петер Буркхард иштирок этди.

**(ЎзА)**

## САЙЛОВНИНГ РУҲИ, МАСЪУЛИЯТИ

### кўпроқ сайлов участкаларига келганда сезилади

Сайловга ҳам оз кун қолди. Депутатлик мандатини қўлга киритиш учун ҳаракат қилаётган томонларнинг курашлари тобора авжига чиқиб бораётган бир вақтда, 26 декабрь куни асосий хизматни ўтайдиган сайлов участкаларида тайёргарлик ишлари деярли ниҳоясига етказилмоқда. Бу борадаги ишлар билан танишиш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 3-Темирйўл, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 17-Мингўрик сайлов округига қарашли 166-сайлов участкасида бўлганимизда бунга ўзимиз амин бўлдик.

Сайлов участкаси Тошкент политехника коллежи биносида жойлашган бўлиб, участка сайлов комиссияси 17 киши — раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат таркибда тузилган. Комиссиянинг ишлаши учун алоҳида хона ажратилиб, шарт-шароитлар яратилган. Компьютер, телефон ва бошқа ускуналар, сайловга доир адабиётлар, қўлланмалар билан таъминланган. 1723 нафардан иборат сайловчиларнинг рўйхати, сайлов участкаси схемаси, номзодлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан танишиш мумкин. Бу ерда бўлиб сайловнинг руҳи, масъулиятини чуқурроқ сезасан киши.

— Ҳозир биз сайловчиларга таклифномалар ёзиб тарқатяпмиз, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Муножат Ризаева. — Сайловчилардан 10 нафари 26 декабрь куни овоз бериш учун участкага келолмаслигини билдиришди. Ўша куни биз уларнинг уйларига бориб овоз беришда қатнашишларини таъминлаймиз. Бунинг учун кичик сайлов қутиси тайёр.

**Беҳзод ШУКУРОВ**



**Суратларда:** сайлов участкасидаги тайёргарлик ишларидан лавҳалар.






**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## САЙЛОВЛАР ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

**Мамлакатимизда яқинлашиб келаётган парламент сайловлари халқаро кўламда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни турли таниқли сиёсатшунослар билдираётган фикр-мулоҳазалар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материаллар орқали ҳам кузатиш мумкин.**

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган муҳим демократик ва парламент ислоҳотлари ўзбек халқи манфаатлари ҳамда турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕИ ва ЕХҲТ талабларига жавоб беради, — дейди Бельгиядаги Лувен университети профессори, халқаро муносабатлар Қироллик институтининг илмий ходими, Европа Иттифоқи эксперти Р.Якемчук. — Кучли қонунчилик ҳокимиятини барпо этишга қаратилган ислоҳотларнинг самараси вақт ўтиши билан ўзининг муносиб баҳосини олади.

— Ўзбек халқи мустақиллик йилларида қўлга киритган кўплаб ютуқлари билан фахрланса арзийди, — дейди Европа парламенти депутати, Европарламентнинг «ЕИ — Ўзбекистон» парламент ҳамкорлиги бўйича ҳайъат аъзоси У.Йегле. — Сайловлар давомида сайловчилар учун эркин фикр ифода қилишга имкон бериш муҳим аҳамиятга эга, зеро бу орқали аҳолининг ҳокимиятга бўлган ишончи ошади. Халқ ўз вакилларини қўллаб-қувватлаш орқали олдига қўйган мақсадига эришади.

— Ўзбекистондаги парламент ислоҳоти мамлакатда фуқаролик жамияти шакллантириш жараёни чуқурлашаётганига ишонч ҳосил қилдиради, — дейди Қирғизистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси К.Турусбеков. — Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилигига биноан эндиликда жойлардаги ҳокимият тизимлари парламент ва маҳаллий қонунчилик органлари депутатлигига номзод қўйиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу эса қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг барча бўғинларида ҳокимият тақсимлаш тамойилининг бажарилишига имкон беради.

ХХРда нашр этиладиган «Жэньминь Жибао» газетаси ўз интернет саҳифасида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси парламентнинг Қонунчилик палатасига депутатликка сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан таклиф этилган номзодларни рўйхатга олгани ҳақида хабар жойлаштирган.

Шунингдек, газета сайтида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари ҳақида ҳам батафсил ахборот берилган ва сайловчилар учун депутатликка номзодларнинг, аввалambор, инсонийлик, ахлоқий хислатлари кўпроқ муҳимлиги қайд этилган.

Афинада нашр этиладиган «Афины пресс» газетасида эълон қилинган мақолада мамлакатимизда сайловолди кампанияси қандай амалга оширилаётгани ва ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари тутаётган ўринга асосий эътибор қаратилган. «Бу галги сайлов кампаниясининг ўзига хослиги шундан иборатки, давлат оммавий ахборот воситаларида бепул эфир вақти ва босма майдони ажратилиши билан бир қаторда номзодларнинг пул тўлаш йўли билан давлат ва мустақил ОАВларида чиқиши ҳам назарда тутилган», — дейилади газетада.

Грециянинг яна бир нашри — «Омония» газетаси ҳам мамлакатимиздаги парламент сайловлари ҳақида батафсил ахборот бериб, қуйидаги хулосани газетхонлар эътиборига ҳавола қилган: «Умумхалқ референдуми билан маъқулланган икки палатали парламент барпо этиш тўғрисидаги ғоя мамлакатда демократияни ривожлантиришда янги босқични очади, ижтимоий соҳа тараққиёти, фуқаролар ва давлат ўртасидаги амалий мулоқотни фаоллаштиришга хизмат қилади».

Миср матбуотида ҳам Ўзбекистондаги парламент сайловлари мавзусига бағишланган мақолалар чоп этилмоқда. Буни араб оламида нуфузли «Ас-Сиёсий» ва «Ал-Мултақа ад-Давлий» («Халқаро учрашув») газеталари мисолида кўриш мумкин.

«Ас-Сиёсий» газетасида босилган «Осиёдаги парламентаризм тажрибаси Ўзбекистондаги сайловлар нигоҳида» мақоласи муаллифи шу йил 26 декабрь куни мамлакатимизда қатор ривожланган давлатларда татбиқ этилган икки палатали парламентга биринчи сайловлар бўлиб ўтиши ҳақида ахборот берган. Материалда бўлажак сайловларни очиқ ва эркин ўтишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар, хусусан, уларда нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчилар иштирок этиши, барча номзодлар томонидан ўз ташвиқот кампанияларини олиб боришга кенг имкониятлар яратилгани араб ўқувчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳнамолигида мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг далили сифатида тақдим этилган.

«Ал-Мултақа ад-Давлий» газетасида эълон қилинган «Ўзбекистон саҳифалари: сайловлар арафасида» сарлавҳали мақолада муаллиф Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар сайловолди дастурларининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтган. Шунингдек, республикамиз парламент ҳаётида аёлларнинг ўрнига алоҳида эътибор берилаётгани ва депутатликка номзодларнинг 30 фоизини аёллар ташкил этаётганига алоҳида урғу берган.

«Голос Украины» газетасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар мавзусига бағишланган мақола «Янги йилга янги парламент билан» деб номланган. Унда малакатимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтадиган икки палатали парламент сайловлари ҳақида ҳикоя қилинади.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

## «ГАЗ... НЕГА ОЗ?»

**Шу йил 11 ноябрда чоп этилган мазкур сарлавҳали танқидий мақоламизга «Хоразмгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси директори Ш.САПОЕВ жавоб йўллади.**

...Вилоятимизда 2004-2005 йилги иситиш мавсуми бошланмасдан об-ҳавони кескин совиб кетиши сабабли хонадонларда иситиш қозонларидан фойдаланиш барвақт бошланди. Қолаверса, газ босимининг меъёрдан пасайишига яна бир сабаб — газ миқдори ёзги мавсум меъёри бўйича олинаётганлиги, табиий газ аҳоли хонадонларида режадагидан кўпроқ сарфланишига йўл қўйилганлиги бўлди.

Бу йилги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари вилоят ҳокимлиги тасдиқлаб берган тадбирлар асосида ўтказилиб, тармоқларда 45,7 километр узунликдаги газ қувурлари капитал таъмирланди, қувурларнинг ишлаш муддатини узайтириш мақсадида 68,8 километр масофадаги ер ости ва ер усти қувурлари қайта таъмирдан чиқарилди. 5098 та газ тақсимлаш қурилмалари (ГТК) техник кўрикдан ўтказилиб, ўтган йиллари газ босими паст бўлган ҳудудларда босимни меъёрига етказиш тадбирлари кўрилди. Қўшимча 39 та ГТК ўрнатилиб, 5,3 километр узунликдаги қувурлар халқали уланиш тизимига боғланди. 11,5 километр масофада қувурлар ҳаво босими остида техник кўрикдан ўтказилди. 1151 километр узунликда ер ости газ қувурлари махсус асбоблар ёрдамида текшириб чиқилди ва аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Бу ишларнинг бажарилишига корхона томонидан 245,0 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Айтиш жоиз, мазкур ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Дебиторлик қарзларни камайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишларда қўйилган талаблар ва вилоят ҳокимининг қарори билан белгиланган зарур чоралар жадал амалга оширилаяпти. Узоқ муддат давомида дебитор қарзларини тўламай келаётган 62 та корхона ва ташкилотлардан қарзни ундириш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Ҳозир вилоят аҳолиси хонадонларида табиий газ таъминоти яхшиланди.

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

**ҚАРШИ. (ЎзА мухбири Аҳад Муҳаммадиев).** Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов бошқарди.

Юбилей муносабати билан шаҳарда кўплаб маданий-маиший иншоотлар барпо этилмоқда, кўчалар, хиёбон ва майдонлар ободонлаштириляпти. Хусусан, шаҳарнинг бош майдони ўзгача чирой касб этмоқда. «Одина» масжидида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Қурилиши жадал давом этаётган иккита кўпқаватли уйни эса келгуси йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори муҳим дастурilamал бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда юбилей объектлари жадвалига кирган иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш ишларини тезлаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

**Сайловлар тўғрисида саволингиз борми?**

## КИМЛАР КУЗАТУВЧИ БЎЛА ОЛАДИ?

Кузатувчиларнинг бемалол иштирок этишлари сайловлар очиқ ва ошкора ўтишини таъминловчи воситалардан биридир. Таҳририятимизга уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, вазифалари ва ваколатларига доир кўплаб саволлар келмоқда. Уларга Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек СОАТОВ жавоб беради.

**Савол:** Мамлакатимизда 26 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда кимлар кузатувчи бўлишлари мумкин?

**Шарофат Йўлдошева**
**(Қорақалпоғистон Республикаси)**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси кузатувчи қилиб тайинланиши мумкин.

Сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кузатувчилар тайинлаш ҳуқуқига эга.

Сайлов комиссияларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар, уларга бевосита бўйсунувчи шахслар, судьялар, прокурорлар кузатувчи қилиб тайинланишлари мумкин эмас.

Сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ўз кузатувчилари ҳақида сайловга камида ўн беш кун қолганда округ сайлов комиссияларига маълум қиладилар. Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ариза олганидан кейин беш кун мобайнида кузатувчи учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатни беради.

Кузатувчи мандати шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилингандагина ҳақиқий ҳисобланади.

**Савол:** Кузатув қачон амалга оширилади?

**Навбаҳор Бобоқулова**
**(Қашқадарё вилояти)**

**Жавоб:** Кузатув овоз бериш куни (2004 йил 26 декабрда) участка сайлов комиссиясининг иш фаолияти бошланган вақтдан йўлга қўйилади ва округ сайлов комиссияси овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомани қабул қилганлиги тўғрисидаги хабардан кейин тугалланади. Ўз вазифаларини яхши бажариш учун кузатувчига қуйидагилар керак бўлади:

авторучка, ёзувлар учун ён дафтарча, тоза қоғоз варақлари, фото ва видео суратга олиш учун аппаратура, калькулятор, чўнтак фонари, овоз бериш якунлари тўғрисидаги участка сайлов комиссияси баённомаси бланкасининг нусхалари, уяли алоқа воситалари.

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

## УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ҒОФУР АБДАЗИЗОВ

### (14-Балиқчи сайлов округи)



**1963 йилда Марҳамат туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Марҳамат туманидаги Қорақўрғон пахта пунктида лаборантликдан бошлаган. Кейинроқ Улуғнор тумани режалаштириш бўлимида бош иқтисодчи ва қатор ташкилотларда бош ҳисобчи вазифаларида фаолият кўрсатган. 2003 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг Балиқчи тумани бўйича бош инспектори. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор...

Ёнимиздаги одамларнинг касб-кори, меҳнат фаолиятини ҳар доим ҳам эътибор билан кузатолмаймиз. Инсоннинг умри дарё. Кўча-кўйда кўришадиган юртдошимиз эл эъзозига тушганидан хабар топсак, қувонамиз.

Ғофур Абдазизовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўрсатилганида уни билган кишиларнинг кўнгли хуш бўлди. Ғофуржон меҳнати билан эътибор топибди, деган ўй кўпчиликнинг кўнглидан ўтган бўлса ажабмас.

У қаерда, қандай вазифада ишламасин, ўзлигини намоён қилади: тиниб-тинчимайди, бошқаларга ҳам ором бермайди. «Осуда ва беғам, беташвиш ҳаётда сурур ҳам, маъно-мазмун ҳам йўқ», деган ақидага амал қилади.

— **Қонунларнинг халқчиллигини таъминлаш депутатнинг асосий бурчи ҳисобланади,** — дейди Ғофуржон. — **Насиб этса, депутат бўлсак, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ҳимоялайман ва ифодалайман. Халқ таълими ва тиббиёт соҳасини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг моддий манфаатдорликларини кўтариш йўлларини излаш тарафдориман.**

Ғофур Абдазизов 1989-1992 йиллар давомида Андижон вилоятида биринчилардан қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини юксалтириш мақсадида Улуғнор туманида қишлоқ хўжалигини тўлиқ ижара пудратига ўтказишда, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини яхшилашда салмоқли ҳисса қўшган. Шунингдек, фермер хўжаликлари тузишда, ерни ҳақиқий эгасига беришда кенг кўламдаги ишларни амалга оширган. Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни соддалаштиришда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож табақаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва бошқа қонунларга ўзгартиришлар киритиш учун 64 та таклиф берган.

**Номзоднинг сайловолди дастуридан кам таъминланган оилалар, маориф, медицина, бюджет ходимларини, нафақахўрлар, ногиронлар ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, эркин ва соғлом тадбиркорликни ривожлантириш каби долзарб масалалар ҳам ўрин олган.**

## САЙЁРА ЖУМАНОВА

### (35-Қизилтепа сайлов округи)



**1962 йил Навоий шаҳрида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ихтисослиги — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Ўзбекистон Республикаси Гидрометерология илмий текшириш институти моддий таъминот бўлими товаршунослигидан бошлаган. 1983-1987 йилларда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани судида суд мажлиси котибаси, суд ижрочиси, 1987-1988 йилларда Навоий шаҳар судида стажёр судья, ўша йили Навоий вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилди. 1988-1992 йилларда Навоий шаҳар суди суд ижрочиси, маслаҳатчиси, 1992-1994 йилларда Навоий вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси, 1994-2001 йилларда Навоий шаҳар суди судьяси, шаҳар суди раиси ўринбосари, ва Навоий вилоят Ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи лавозимларида фаолият кўрсатди.

2002 йилдан буён Навоий вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Сайёра Эргашевна Жуманова янгиликка интилиб яшайди. Ташаббускорлиги, маънавий етуклиги, барчага ғамхўр ва меҳрибонлиги, иффатли турмуш тарзи билан ҳамкасбларига намуна. Ўз хизмат вазифаларини виждонан бажариш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол. У ўз фаолиятида республикамиз Президенти И.А.Каримов маърузалари, нутқлари ва асарларида баён этилган қоида ва хулосаларни, истиқлол ғояси ҳамда ХДП дастурий мақсадларини тарғиб қилишга катта эътибор беради.

Уни тез-тез деҳқонлар, зиёлилар, партиядошлар даврасида қизғин суҳбат олиб бораётганлигини кўрасиз. Айниқса, қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, масалалари доимий диққат марказида. У хизмат вазифаси ва бурчига масъулият билан ёндошиб келаётгани боис, нафақат Навоий вилоятида, балки республика жамоатчилиги орасида ҳам катта ҳурматга сазовор бўлди.

Ҳаракат дастури ҳам содда ва дангал:

— **фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш;**

— **пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражага босқичма-босқич етказиш чораларини кўриш;**

— **пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, аҳолини кўп болали ҳамда кам таъминланган ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари учун сифатли ва бепул даволаниш кафолатларни яратишга эришиш...**

## СУННАТ НОСИРОВ

### (37-Хатирчи сайлов округи)



**1957 йилда Хатирчи туманида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги — иқтисодчи. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг табелчилигидан бошлаган. 1981-1991 йилларда ҳисобчи, тафтиш комиссияси раиси, хўжалик бошқаруви раиси, 1991-1992 йилларда туман нафақа жамғармаси мудири, 1992-1994 йилларда Навоий вилояти «Пахтасаноатсотиш» акциядорлик жамияти раиси бўлиб меҳнат қилди. 1994-1996 йилларда Хатирчи туман агросаноат уюшмаси раиси, 1996-2000 йилларда туман «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти раиси, 2000-2004 йилларда эса туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. 2004 йилдан буён туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Суннат Носировнинг меҳнат фаолияти қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ. Шу боисдан у мазкур соҳани жуда яхши билади, унинг ривожланиши, ислоҳотларнинг тўлиқ амалга ошиш учун сидқи-дилдан хизмат қилади. Қаерда, қандай лавозимда ишламасин, доим янгиликка интилади. Ташаббускор, фидойи, атрофидагиларга ғамхўр ва меҳрибон. Иш ва сўз бирлигига қатъий амал қилади.

Номзоднинг сайловолди дастури қисқача шундай:

— **кам даромадли, кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, талабалар, ишсиз ёшларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш;**

— **уй-жой, коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари учун нархларнинг ошишида аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олиш;**

— **қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланишига эришиш;**

— **ишсиз ота-оналарнинг фарзандларига болалар нафақаси тайинлаш;**

— **халқ таълими ва тиббиёт соҳасини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг моддий манфаатдорликларини кўтариш йўлларини излаш;**

— **депутатликка сайланадиган бўлсам, ана шу дастурий режаларни амалга оширишнинг мақбул ва қулай йўлларини излаш, шунга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш, борларини эса такомиллаштириш устида ўйлайман.**

— Менинг бу режаларим замирида ҳаёт гултожи — Инсон бахт-саодати, унинг сиҳат-саломатлиги ётибди. Президентимиз ҳам келгуси 2005 йилни бежиз Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилмадилар. Зеро, Юртбошимиз нафақат бугун, балки эртанги ҳаётимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай муҳим масалани кун тартибига қўяр экан, биз буни, мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ортиб, салоҳиятимиз, имкониятларимиз тобора ошиб бораётганининг яна бир белгиси ва тасдиғи сифатида қабул қилишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Дарвоқе, номзоднинг гапларида жон бор. Унинг дастуридан чиндан ҳам эл-юрт фаровонлиги, озод ва обод Ватан тараққиётига хизмат қилувчи ниятлар ўрин олган.

Муносиб номзод қўллашга, қувватлашга арзийди.

## МУҲАББАТ АБДУЛЛАЕВА

### (38-Поп сайлов округи)



**1955 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетини тугатган. Ихтисослиги — ҳуқуқшунос.**

Меҳнат фаолиятини Уйчи туман прокурорининг ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. Сўнг турли вазифаларда меҳнат қилиб, 1992-1994 йилларда Уйчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1994-2000 йилларда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Наманган вилоят бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2000 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

Муҳаббат опанинг меҳнат фаолияти, орзу интилишлари, эл-юрт манфаатлари билан уйғун. У жамият ҳаётидаги ўзгаришларга, ташвишу қувончларга энг аввало аёл, она, жонкуяр фуқаро сифатида ёндошади.

Феълидаги холислик фазилати унинг ана шу фалсафаси билан боғлиқки, бу унинг ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган интилишлари, ташаббуси, талабчанлиғида яққол кўриниб туради.

Уйчи туманидаги фаолиятини ҳамюртлари мамнуният билан эътироф этишади. Ўтган асримизнинг 90-йилларида хотин-қизлар қўмиталари жамоатчилик асосида ишлади. Уйчида аҳолининг 50 фоиздан кўпроғини хотин-қизлар ташкил қилади. Туманда ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлащда эса улар алоҳида ўрин тутади. М.Абдуллаеванинг таклифи ва ташаббуси билан хотин-қизлар қўмитаси фаолияти биринчи марта бошқарув штат жадвалига киритилиб, уларга ойлик маош белгиланадиган бўлди. Бунинг самаралари қисқа муддатда ўзини оқлагач, йирик меҳнат жамоаларида ҳам хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи алоҳида штатлар жорий этилди. Бугунга келиб опанинг биргина шу ташаббуси давлат сиёсати нуқтаи назаридан ҳам юксак баҳоланишига муносиб.

Ана шундай ташаббускорлиги, оғир, босиқлик билан астойдил иш юритиши Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлимини ташкил этищда ва кейинчалик Ўзбекистон ХДП вилоят партия ташкилотига раҳбарлик қилищда қўл келди. Унинг раҳбарлигида ўз сафларини кенгайтирган, тузилмалари анча мустаҳкамланган партия ташкилоти республикада муносиб ўринга эга бўлди. М.Абдуллаева мустаҳкам сиёсий эътиқоди, ўта фаоллиги, ишчанлиги, қўли остида ишлайдиганларга меҳрибонлиги туфайли ХДП аъзолари, кенг жамоатчилик орасида обрў қозонди.

— Депутатлик амал ёки мартаба эмас, деб қаровчиларга мен унчалик қўшилмайман. Депутатлик — юксак мартаба, — дейди Муҳаббатхон опа. — Айниқса, бўлажак сайловда танлаб олинадиган депутат ана шу мартабага муносиб бўлиши керак. Мен номзод сифатида ўз дастуримни мукаммаллаштириб, тартибга соларканман, **фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётдаги иштироки учун кенг имкониятларни яратиш, ҳар жойда ва барча соҳаларда қонунларга сўзсиз риоя қилинишини таъминлашни, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва жамғарилган маблағларни ишончли тарзда индексациялашни ва албатта, аёлларнинг меҳнат шароитларини енгиллаштириш, оиладаги оналик ва болалар тарбиясидаги бурчларини тўлақонли бажаришларига доир имкониятларга қўшимчалар киритиш тарафдориман.**

## ТЕМУРАЛИ ИКРОМОВ

### (39-Чуст сайлов округи)



**1954 йили Чуст туманида дунёга келган. Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги — тарих фани ўқитувчиси. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Номзод ўз меҳнат фаолиятини 1972 йилда Чуст туманидаги 28-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1973-1975 йилларда Темурали Икромов ҳарбий хизматни ўтагач, яна 1975-1985 йилларда 28-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. Педагогик фаолиятида ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бирга ёшларда ижтимоий фанларга қизиқиш уйғотиш, иқтидорли болаларнинг истеъдодини тўла намоён этишлари учун бор билим ва тажрибасини аямади. 1985 йилдан буён Чуст тиббиёт коллежида ижтимоий фанлар ўқитувчиси сифатида фаолият юритяпти. Айни пайтда у фаол илмий-услубий ишлар билан ҳам шуғулланади. Узоқ йиллик тўпланган тажриба, ҳаётий кўникмалар, илмий изланишлар ўз самарасини берди. Зеро. у қатор китоб, рисола, ўқув қўлланма, дарсликларнинг муаллифидир.

Темурали Икромов изланувчан, ташаббускор, талабчан устоз бўлиш билан бирга фидойи инсон ҳам. У ўзининг фикр-мулоҳазаларига бошқаларни ишонтира олади ҳамда ўзгаларни эзгу мақсадлари сари эргаштиради. Унинг ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда илмий-ижодий соҳадаги фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 2002 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

У табиатан ўз устида изланишга ҳаракат қилади ҳамда инсондаги маънавий етукликка интилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳлик билдиради. Зотан, у ўз шахсий ташаббуси билан, ўткир зеҳни, ибратли турмуш тарзи билан жамоадошлари орасида обрў-эътибор қозонгандир. Жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашади, ўқувчи ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида «Баҳс» клубини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилмоқда.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор, у оилада меҳрибон ота, ҳурматли хонадон бошлиғи.

Номзоднинг сайловолди дастури билан танишамиз:

— **аҳолини иш билан таъминлаш, ички ва ташқи меҳнат миграциясини ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ташқи меҳнат бозорларига чиқишларини расмийлаштириш лозим. Ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг турмуш тарзини янада яхшилаш, шу соҳа мутахассис кадрларининг ўз малакаларини ошириш устида изланишлари учун шарт-шароитлар яратиш керак деб ҳисоблайман.**

Сайловолди дастуримда, шунингдек, **қишлоқда яшовчи аҳолининг турмуш маданиятини босқичма-босқич кўтариш масаласига ҳам эътиборни қаратмоқчиман.**

— Қишлоқда туғилиб ўсганман, — дейди у. — Оддий одамларнинг турмуши менга яхши таниш. Шу боис, ҳаётдан йироқ ваъдалар бериш эмас, амалга оширишимиз мумкин бўлган, мавжуд муаммоларнинг ечими устида ўйлашимиз, изланишимиз керак.

## ҒУЛОМЖОН АБДУЛЛАЕВ

### (40-Тўрақўрғон сайлов округи)



**1959 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Ихтисослиги — қурувчи-муҳандис. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Тўрақўрғон туманидаги Бобур номидаги жамоа хўжалигидан бошлаган. 1978-1980 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1980-1986 йилларда Тошкент давлат техника университетини тамомлагач, 1986-1988 йилларда Наманган шаҳридаги 6-механизациялашган кўчма колоннада қурилиш устаси, 1988-2000 йилларда Тўрақўрғон касб-ҳунар лицейида таъминот устаси, ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

2000 йилдан буён Тўрақўрғон туманидаги Хўжанд саноат, транспорт касб-ҳунар коллежи директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

У ўқув юртида ишлаш фаолияти даврида ўқув техникасини мустаҳкамлаш, янги замонавий касбларни ўргатишни ташкил этиш бўйича Наманган давлат университети ва ЎзПИТИ Наманган филиали олимлари билан ҳамкорликда «Фермерагротехника», «Амалий графика рассоми», «Қандолатчи-ошпаз», «Референт-иш юритувчи», «Дўппидўз чевар» каби мутахассисликлар бўйича тажрибавий ўқув режа ва дастурларини яратган ташаббускор, иқтидорли муаллиф.

— Ғуломжон, депутатликка номзодингизни қўйишдан олдин нималар ҳақида ўйлагансиз? Мақсадингиз, кўзлаган платформангиз билан қисқача таништиролласиз-ми? — сўраймиз ундан.

— Бажонидил. Мен ўз фаолиятим ҳамда партиямизнинг Сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, бўлғуси қонунлар аҳолининг ижтимоий манфаатини ҳимоя қилиши — асосий мақсад бўлиши лозим, деб ўйлайман. Ўз номзодлик дастуримда эса аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича қуйидагилар амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблайман:

— **аҳолининг оқилона бандлиги, яъни ўқув даргоҳларини тугатган ёки армия хизматини ўтаган ёшларни, шунингдек, чекланган иш қобилиятига эга ногиронлар ва пенсионерларни тўлақонли меҳнатга бандлигини қонун билан кафолатлаш;**

— **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича яратилган қонунларни такомиллаштириш;**

— **ишлаб чиқарувчиларни солиқ тўлаб ишлашлари солиқдан қочишдан кўра фойдалироқ бўлган оптимал солиқ сиёсатини жорий этиш орқали иқтисодиётда «норасмий» фаолият улушини камайтириш;**

— **ижтимоий сиёсатнинг мўлжаллилигини ошириш ва айнан ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига зарур бўлган ижтимоий кўмакни вақтида ва тегишли миқдорда етказилишини таъминлаш;**

— **давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларнинг ойлик маошлари даражасини рақобатбардош даражага кўтарилишига эришиш...**

... Қалбида эзгулик тўла бундай номзодларни ҳар қанча қўлласангиз арзийди, шундай эмас-ми!?

ХДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

## УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## НЎЪМОНЖОН АҲМАДЖОНОВ

### (41-Косонсой сайлов округи)



**1950 йилда Наманган вилояти Косонсой туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ҳисобчи-иқтисодчи. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.**

Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Косонсой туманидаги 58-мактабда тарбиячиликдан бошлаган. 1973-1975 йилларда Косонсой туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида ҳисобчи, Косонсой тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида катта иқтисодчи вазифаларида ишлаган. Шундан сўнг кўп йиллар қатор ташкилотларда турли лавозимларда фаолият юритиб, 1992-1995 йилларда Косонсой тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1995-2001 йилларда вилоят ҳокимининг ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари, 2001-2004 йилларда вилоят ҳокимлиги назорат бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. 2004 йилдан буён вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти мудири.

Нўъмонжон аканинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди қўйилишини косонсойликлардан анча олдин эшитган эдик.

Косонсойликларнинг ишончи, ихлоси бежиз эмас экан. Унинг эл ишончига лойиқлигини таржимаи ҳоли ва мақсадлари тиниқлиги ҳам ифодалаб турибди. У ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашадиган, талабчан раҳбар. Ташкилотчилик қобилияти ва ижрочилик интизоми билан партия, хўжалик фаоллари ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, Республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда назорат қилишга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, **қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, халқ таълими ва тиббий хизматни яхшилаш ҳамда уларнинг дастурлари ижросини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш** каби масалалар унинг доимо диққат марказида.

— **Агар сайловчиларим ишончини қозониб, депутат бўлиб сайлансам, биринчи навбатда қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга эътиборимни қаратаман,** — дейди у ва давом этади:

— **Янги фермер хўжаликларини мустаҳкамлаш бўйича таклифларимни ҳам ҳимоя қиламан. Турли маъмурий тазйиқлардан холи фаолиятни йўлга қўйишлари учун тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари тарафдориман. Иш қидириб хорижий давлатларга чиқаётган ҳамюртларимиз ижтимоий муҳофазасини таъминлайдиган қонун яратишга ҳисса қўшаман.**

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қабул қилинган қонунларни такомиллаштириш ва уларнинг ижросини мунтазам таъминлай оладиган таҳрирларга асосли ечимлар ўйлаб қўйганман...

## АДҲАМЖОН ФАХРИДДИНОВ

### (43-Уйчи сайлов округи)

**1960 йилда Наманган вилояти Поп туманида туғилган. Тошкент фармацевтика институтини тамомлаган. Ихтисослиги — провизор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Поп туман марказий дорихонасида провизорликдан бошлаган. 1983-1984 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1984-1992 йилларда Поп тумани марказий дорихона мудирининг ўринбосари, 1992-1995 йилларда тумандаги 145-сонли дорихона мудири, 1995-2003 йилларда шу ердаги «Адҳам-Раҳмат» кўп тармоқли хусусий дорихона мудири лавозимларида ишлади. 2003 йилдан буён «Ўзфармназорат» инспекцияси Фарғона водийси бўйича вакили лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Унинг ўз касбига ва бурчига бўлган ихлосини, одамларга ғамхўрлиги ҳамда меҳрибонлигини сайловолди ҳаракат дастурида белгилаган режаларида яққол кўриш мумкин.

— **Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ўқитувчи, шифокор, муҳандис-техниклар, хизматчилар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қонунлар асосида ҳимоя қилиш керак, деб ўйлайман.**

— **Давлат томонидан кафолатланган барча фойдаланиш мумкин бўлган сифатли, бепул таълим ва тиббий хизматларни қонун асосида ҳимоя қилиш бўйича қонунлар қабул қилиш керак. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида, рақобат асосида вужудга келган дорихоналаримиздаги дорилар сифати назоратини кучайтириш зарур.**

**Жамиятимиздаги бугунги яна бир муаммо, соғлом, ирсий мусаффо, оналик ва болаликни муҳофазалаш асосида тиббий демографик кўрсаткичларни яхшилаш лозим. XXI аср вабоси СПИД ва гиёҳвандликдан халқимизни, айниқса ёшларимизни асрашни қонун асосида муҳофазалаш лозим.**

Адҳамжон учрашувларда ёлғиз оналар, кўп болалик оилалар, пенсионерлар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатишда имтиёзлар берадиган қонунлар яратиш тарафдори эканлигини ҳам айтди ва сўзида давом этди:

— **энг аввало, аҳолининг ёрдамга муҳтож, кам таъминланган қатламлари турмуш даражасини ошириш, ўқитувчилар, шифокорлар, умуман ўрта бўғинга таааллуқли бўлганлар маоши билан нарх-наво, тўловлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш;**



— **ногиронлар қобилияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, улар учун махсус иш ўринларини яратиш, қарор, қонун ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинаётганда ногиронларга алоҳида аҳамият қаратилишига ҳаракат қилиш...**

Бундай эзгуликларни кўзлаган номзодни ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди, албатта.

## МАТЛУБА ТЎЙЧИЕВА

### (45-Тошбулоқ сайлов округи)



**1962 йилда Наманган туманидаги Кичик Тошбулоқ қишлоғида туғилган. 1984 йилда ҳозирги Наманган давлат университетининг география-биология факультетини тугатган.**

Меҳнат фаолиятини тумандаги 39-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1990-1995 йилларда туман ҳокимлиги котибиятининг ташкилий ва кадрлар ишлари бўлими, 1995-1996 йилларда туман меҳнат бўлимида ишлаган. 2000 йилдан тумандаги 23-ўрта мактаб директори. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

Матлубахон қишлоқ шароитида оддий ўзбек аёлига хос турмуш кечирса-да, вилоят, мамлакат миқёсидаги муаммолар устида фикр юритади, таклифлар айтади. Жамиятдаги ўзгаришлар ҳар бир кишининг ўз фаоллигига, қурби ва салоҳиятига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Атрофдагиларни, айниқса, ёшларни турмушнинг майда ташвишлари қобиғида ўралашиб қолмай, ҳамиша эзгу умидлар билан яшашга ундайди.

Унинг муттасил ўқиш-изланишлар билан кечаётган турмуш-фаолияти қишлоқ шароитидаги ташвиш ва муаммоларни баратараф этишга қаратилган. Мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва таълим сифатини ошириш соҳасида эришган амалий натижалари ҳамкасбларининг унга нисбатан ишончини оширди.

— Мен қишлоқ зиёлиларидан бири сифатида кўнглимдан кечираётган мақсадларимни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди йиғилишларида илк бор изҳор қилдим. Партиямиз лидерлари фикр ва таклифларимни қўллаб-қувватлашганидан сўнг ғайратимга ғайрат қўшилди. Айниқса, партиямизнинг Сайловолди Платформасида белгиланган мақсадлар менга журъат бахш этди.

Агар депутат бўлиб сайлансам, **ўрта умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар мавқеини ошириш бўйича мукаммал қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқишга сидқидилдан ҳисса қўшаман.**

Таълим соҳасидаги оғриқлардан бири — мактаб битирувчилари тақдири. Айнан 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш қониқарли эмас. Сабаби, коллеж битирувчиларининг иш билан бандлик масаласи ҳамон муаммо. **Ўқитиш ва бандлик дастурини ҳаётийлаштириш учун уни янги қоидалар билан тўлдирилган ҳолда қайта таҳрир қилиш керак.**

**Қишлоқ мактабларининг моддий базаси шаҳар мактаблари билан баравар эмас, шунингдек, ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш билан боғлиқ аниқ ечимли давлат ҳужжатларига ҳам эҳтиёж катта.**

**Тиббий хизмат, спорт масалалари, коммунал тўловлар, ойлик маошларни кечиктирмаслик, фуқароларнинг маданий турмуш даражаларини кескин ошириш бўйича дастурий мақсадларимни амалга ошириш ва халқимиз манфаатларини қонунчилик орқали ҳимоя этиш учун астойдил ҳаракат қиламан...**

## ЎҒУЛХОН ДАДАБОЕВА

### (46-Наманган сайлов округи)

**1956 йилда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-иқтисодчи. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Наманган шаҳридаги 10-қурилиш тресты қурилиш бошқармасида иқтисодчи-муҳандисликдан бошлаган. 1982-1985 йилларда 124-сонли қурилиш-монтаж бошқармасида катта ҳисобчи, катта мухандис, катта иқтисодчи вазифаларида ишлаган. 1985-1991 йилларда Наманган шаҳар раҳбариятида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. 1991-1992 йилларда Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши йўриқчиси, 1992-1995 йилларда Наманган вилоят ҳокимлиги кадрлар сектори мудири, 1995-2004 йилларда эса Давлатобод тумани ҳокими ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

2004 йилдан буён Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Унинг раҳбарлигида шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида республика Президентининг пенсия ва нафақаларни ошириш тўғрисидаги фармонларининг вақтида ва сифатли бажарилишига эришилди. У раҳбар сифатида бўлим ишини тубдан яхшилашга, ходимларга тегишли шарт-шароитларни яратишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Сайловчилар билан учрашувлар чоғи ўз партиясининг сайловолди ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, парламентда кўтарилиши мумкин бўлган режаларини у шундай ифодалади:

— **ҳар бир ишловчига унинг оиласини таъминлаш учун етарли меҳнат даромадини кафолатлайдиган, меҳнатга қобилиятли аҳолининг унумли бандлигига эришиш — халқимиз турмуш даражасини оширишнинг бош йўналиши бўлмоғи лозим.**

**Шу муносабат билан, мен партиямизнинг Сайловолди Платформасида баён этилган қуйидаги дастур учун кураш олиб бораман.**



— **меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;**

— **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ишга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш минтақавий дастурларини қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш.**

— **ташқи меҳнат миграциясини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарасини ошириш ва хорижда ишлаётган юртдошларимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чораларини кўриш:**

**Шунингдек, «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш.**

## МУҲИТ САЙДОВУТОВ

### (49-Булунғур сайлов округи)



**1953 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. 1975 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, 1983 йилга қадар институтнинг «Ўсимликшунослик» кафедрасида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Иштихон туманидаги бир қатор қишлоқ хўжалик корхоналарида раҳбарлик вазифасида ишлаб келди. Ҳозир тумандаги А.Бердиқулов номли ширкат хўжалиги раиси. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

— Бундай камтарин ва олийжаноб инсонни камдан-кам учратганман, — дейди у ҳақда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари — котибият мудири Аллаёр Қиличев. — Ишини пухта билади, чуқур билимга эга. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам илмий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ёндашиб, холис хулоса чиқаришга одатланган, фикрларини жамоатчилик ўртасига дадил ташлайди. Раҳбар сифатида ўз ўрни, йўриғига эга инсон...

Ҳа, Муҳит Сайдовутов одамлар дардини ўз дарди деб билади. Хўжалик аҳолисини табиий газ билан таъминлаш, йўл қурилиши, ичимлик сув, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофазаси масалалари унинг диққат марказида.

У бошлиқ хўжаликда пахта, ғалла ва бошқа соҳаларда муттасил юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Ҳудудни ободонлаштириш ишлари сўнгги йилларда жадал тус олди. Хўжалик аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи юксалди. Ўзи эса жамоат ишлари ва бошланғич партия ташкилоти ҳаётида доим фаол. Аҳоли ўртасида ва ўз партиядошлари даврасида турли мавзуларда тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Қандай лавозимда ишламасин, меҳнат фаолияти давомида топширилган ҳар бир ишга юксак масъулият билан ёндашади. Туман аҳли, партия фаоллари орасида ҳурмат-эътиборга эга.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

49-Булунғур сайлов округи сайловчилари Муҳит Сайдовутовни дастлабки учрашувдаёқ илиқ кутиб олдилар. Учрашувлардан сўнг ҳам уни ўз давраларига таклиф этиб гурунгга тортдилар. Сайловолди платформаси билан қизиқдилар.

— **Аграр соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш лозим,** — деди у сайловчиларга. — **Мамлакатимизда айнан шу соҳа етакчи ўрин эгаллар экан, тармоқда жиддий ишлар қилинмаса, иқтисодиётимиздаги оқсаш давом этаверади. Соҳада барча мулкий ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқлаштириш керак. Қишлоқларимиз пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган корхоналарга муҳтож. Қолаверса, билаги кучга тўла қишлоқ ёшларига етарли иш ўринлари яратиш борасида кўпроқ ўйлашимиз керак...**

Унинг бу сўзлари барчага бирдек манзур тушмоқда. Демак, 26 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда айни шу манзурлик ифодаси ёрқин намоён бўлиши, шаксиз.

## ДИЛБАР ИМОМОВА

### (57-Самарқанд сайлов округи)

**1947 йил Самарқанд туманида туғилган. 1970 йил Самарқанд давлат университетини тугатган. Ихтисослиги — немис тили ўқитувчиси. Оилали, 5 нафар фарзанди бор. Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.**

Дилбар Имомова университетни тугатгач, 6 йил таржимонлик қилди. Шундан кейин кўп йиллар Сиёб тумани, Самарқанд шаҳри, вилоят бошқарув идораларида фаолият кўрсатди. 1992-1993 йиллар вилоят касаба уюшмалари қошидаги «Тадбиркор аёл» бирлашмасида ижрочи директор бўлди. Сўнгра ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи, Сиёб тумани ҳокимининг ўринбосари вазифаларида ишлади. 1997 йилдан 2000 йилга қадар Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси. 2000 йилдан ҳозирга қадар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими раиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг жамоатчилик асосида ўринбосари, ХДП вилоят кенгаши қошидаги хотин-қизлар сектори гуруҳи раҳбари, ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган «Бибихоним» аёллар клубининг жамоатчилик асосида раҳбари сифатида ҳам иш олиб бормоқда.

Дилбар Имомова қаерда ишламасин ўз интизоми, камтарлиги, қатъиятлилиги билан жамоатчилик ўртасида катта обрў қозонган. Ўз меҳнати фаолияти давомида жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш, ёш болали, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож хотин-қизларни ўз ҳимоясига олиб келади. Вилоят миқёсида ўтадиган бирор тадбир йўқ-ки, иштирок этмаган бўлса. Ёшларга меҳрибон устоз, хотин-қизларга яқин маслакдош, ташкилотчи, талабчан раҳбар.

Келинг, яхшиси, унинг сайловолди дастури билан танишайлик.

— **Агар депутат бўлиб сайлансам,** — дейди Дилбар Имомова, — **аввало жамиятимизда хотин-қизлар ролини янада ошириш йўлида астойдил иш олиб бораман. Чунки, жамиятга соғлом, ақлли, ҳушли фарзандни она беради. Айни шу борада пухта ишланган режаларим бор...**

**Яна бир масала мени доимо ўйга толдиради. Энг кам иш ҳақи ва аҳолининг истеъмол эҳтиёжи ўртасидаги номувофиқлик масаласи. Бу ҳақда қандайдир қонун қабул қилиш таклифлари бўйича аниқ фикрларга эгаман. Ҳозир узоқ-узоқ қишлоқларда ҳам янги-янги замонавий касб-ҳунар коллежлари бунёд этилиб, фарзандларимизни касб-ҳунар ўрганишлари учун қулайликлар яратилмоқда. Бу яхши. Аммо уларни эртанги кунда иш билан таъминлаш масаласи пухта ишлаб чиқилмаган. Бу борада ҳам жиддий таклифлар тайёрлаб қўйганман.**



Хотин-қизларнинг даромадлари эркакларникига нисбатан камроқ эканлигини инобатга олиб, улар учун меҳнат, дам олиш ва ижтимоий хизматдан фойдаланишнинг қоида ҳамда меъёрларига табақалаштирилган тизимни киритишни парламент эътиборига ҳавола этиш ниятидаман.

Қолаверса, 2005 йил Сиҳат-саломатлик йили деб эътироф этилди. Бу йилнинг ҳам ўзига хос тадбирлари ишлаб чиқилиши керак. Ҳозир шу тадбирлар ҳақида ҳам ўйлаяпман...

... Опанинг режалари кўп. Уларнинг амалга ошмоғи йўлида унга омад ёр бўлсин!

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

## УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ХОСИЯТ ОМОНОВА

### (58-Тойлоқ сайлов округи)



**1957 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги — агроном.**

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Ургут туман агросаноат уюшмасида агрономликдан бошлаган. 1992-1993 йилларда Ургут туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси, 1993-1998 йилларда Ургут туман деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси, 1998-2003 йилларда республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги директори, 2003-2004 йилларда туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш бўлими етакчи мутахассиси лавозимларида фаолият кўрсатди.

2004 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Самарқанд вилоят вакиллиги директорининг ўринбосари. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Хосият Омонова Ургут туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилишида сидқидилдан иш олиб борди. Шунинг баробарида уюшма энди ташкил топган чоғлари туманда фермер хўжаликлари сони 22 та бўлса, тез фурсатларда уларнинг сони 200 га етди. Унинг ташаббуси билан аҳоли ўртасида фермерлик ҳаракатига қизиқиш ортди. Ўтган 9 йил мобайнида фермер хўжаликлари сони туманда 2500 тадан ошиб кетди.

— **Мен депутатликни лавозим деб тушунмайман, аксинча одамларнинг муаммолари, дарду ҳасратлари билан ёниб яшаш, уларнинг ечимини парламент орқали ҳал этишга интилишни тушунаман,** — дейди Хосият Омонова.

У ўз меҳнат фаолияти давомида **қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга** алоҳида эътибор қаратади.

— **Бу ҳаракатлар,** — давом этади Хосият Омонова, — **бирда ўз самарасини берган бўлса, бирда бермади. Шунинг учун хулосага келдимки, ислоҳотларни амалга ошириш ва унинг изчиллигини назорат қилишда парламентнинг кучи, салоҳиятидан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Агар мен Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, ана шу имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламан.**

Хосият Омонова айни пайтда ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга ўз қарашлари, ташаббус ва таклиф-мулоҳазалари билан фаол қатнашмоқда. У аёл, она, раҳбар бўлиш билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасининг чуқур билимдони, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатлар бобида ҳамкасблари, шогирдлари билан тез-тез баҳслашиб туради. Туман ва вилоят хотин-қизлари орасида алоҳида ҳурматга эга.

Келгуси режалари бисёр. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ишончли қанотларидан ҳисобланмиш фермерлик ҳаракатини янада ривож топишига ўз ҳиссасини қўшиш, қишлоқ ёшлари ва хотин-қизларнинг ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш унинг мақсад-матлаби.

## АКТАМ ЭШПЎЛАТОВ

### (59-Ургут сайлов округи)



**1966 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Томск политехника институтини тамомлаган. Муҳандис-механик.**

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Ургут туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида механизаторликдан бошлаган. 1984-1986 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1986-1990 йилларда заводда механик, мухандис, 1990-1997 йилларда Ургут туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги тафтиш комиссияси раиси, бош мухандис, 1997-1998 йилларда Тошкент шаҳридаги «Агротек» корхонасида муҳандис бўлиб ишлаган. 1998 йилдан буён «ЎзКейсСервис» қўшма корхонасида менежер. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Уни таниган ва билганлар: «Иш вақтида ҳеч кимни танимайди. Бошлаган иши охирига етмагунча ўзи ҳам тинчимайди, бошқаларни ҳам тинчитмайди» — дея таъриф беришади.

Агар Актам Эшпўлатовнинг шу вақтга қадар фақат қишлоқ хўжалиги ва унга ёндош соҳаларда меҳнат қилганлигини эътиборга олсак, унга берилган таърифнинг тўғрилигига амин бўласиз. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишга ана шундай ёндошувсиз бирор бир муваффақиятга эришиш қийин. Энди Актам Эшпўлатов шу вақтга қадар олган билимлари, тўплаган тажрибаларидан фойдаланиб, мамлакатимизнинг олий органи орқали юртимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга астойдил хизмат қилмоқчи. Чунки, юртимиз иқтисодиётининг асосий таянчи қишлоқ хўжалиги эканлигини у яхши билади.

— **Агар Қонунчилик палатаси депутати бўлиб сайлансам, — дейди Актам Эшпўлатов, — энг аввало, қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларимизнинг меҳнат шароитлари оғирлигини ҳисобга олиб, уларнинг ишини замонавий техника ёрдамида енгиллаштириш, оғир қўл меҳнати учун қўшимча ҳақлар тўланишини қонунчиликда акс эттиришга ҳаракат қиламан.** Мисол учун Ургут туманидаги тамаки етиштирувчи деҳқонлар, уни қайта ишлаш корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи ва ходимлар зарарли меҳнат шароитларида ишламоқдалар. **Уларнинг манфаатлари алоҳида ҳимоя қилиниши керак, деб ҳисоблайман.** Бундай мақсадларга эришишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кучи, салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш яхши самара бериши мумкин. Чунки, **партиямиз ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, мухандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, шунингдек ҳарбий хизматчилар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя этувчи Ўзбекистон сиёсий кучларининг сўл қанотидир.**

Бизнинг эртанги ҳаётимизда, келажагимиз яратувчилари бугун мактабларда таҳсил олаётган экан, биз уларнинг таълим-тарбиясига асло бефарқ қарай олмаймиз. **Баъзан шундай ҳолатлар ҳам кузатиляптики, қўлида гулдай ҳунари бор йигит-қизларимиз иш топа олмай сарсон. Шунинг учун ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш ва уларни иш билан банд қилишнинг мукаммал механизмини ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш лозим, деб ҳисоблайман...**

## МУКАМБАР ҚИЛИЧЕВА

### (60-Гулистон сайлов округи)



**1946 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент хотин-қизлар билим юрти, Тошкент алоқа коллежи, Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги — ўқитувчи, почта алоқаси кичик муҳандиси, журналист.**

Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкент шаҳридаги 136-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1972-1977 йилларда Сирдарё вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг илмий бўлим мудири, 1977-1984 йилларда вилоят радиоэшиттириш ва телевидение қўмитасида овоз режиссёри, муҳаррир, катта муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими адабий маслаҳатчиси вазифаларида фаолият кўрсатди. 1984-1991 йилларда вилоят Матбуот уюшмаси («Союзпечать») агентлиги бошлиғи, 1991-1992 йилларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, 1992-1997 йилларда вилоят Давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи бўлди. 1997 йилдан «Ўзбекистон почтаси» АЖ Сирдарё филиали раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Сирдарё вилоятида почта соҳасини ривожлантиришда Мукамбар Қиличеванинг ҳиссаси катта. Чунки, деярли инқирозга юз тутган корхона унинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа вақт ичида республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Вилоятнинг барча шаҳар ва туман почта филиаллари автомашина, компьютер техникаси билан таъминланди. «Интернет», «Тезкор почта» хизматлари йўлга қўйилди. Хизматчиларнинг ойлик маошлари кўтарилди.

Мукамбар Қиличева шаклланажак янги парламент депутати қандай бўлиши кераклигини, унинг масъулияти, аввалги депутатлардан фарқли жиҳатлари нималардан иборат бўлиши лозимлигини яхши англайди, тушунади.

— «Эл соғлиғи — юрт бойлиги» шиорини илгари суриб, авваламбор республика аҳолисининг, айниқса хотин-қизлар, туғруқ ёшидаги аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишга эътиборни янада кучайтириш лозим, — дейди у. — **Бунинг учун қизларимиз ва ўсмирларни ёшлигидан доимий медицина кўригидан ўтказишни ташкил этиш, хотин-қизларни оғир ва зарарли меҳнатлардан муҳофаза қилиш, аёлларни ҳомиланинг 5 ойлигидан декрет таътилига чиқариш ва бунда тўлиқ ойлик маошларини сақлаб қолиш, фарзандлари 4 ёшгача бўлган аёлларга берилган таътил мобайнида ойлик маошларини тўлиқ сақлаб қолиш, фуқароларимизга, айниқса кам таъминланган ва ишсизлик мақомини олган ватандошларимизга бепул медицина хизмати кўрсатишнинг қонуний асосларини яратиш лозим.**

— **Ишсизликни камайтириш учун республикамизда етиштирилаётган пахта, қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчи, улардан истеъмол маҳсулотлари тайёрловчи кичик цехлар, корхоналар очиш мақсадга мувофиқ.**

— **Ёш авлод соғлиғини муҳофаза қилиш, уларни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар мутахассислари билан беллаша оладиган кадрлар қилиб тайёрлаш — бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунинг учун истеъдодли ўғил-қизларимизга кўпроқ бюджет ҳисобидан таълим бериш, контракт асосида таҳсил олаётган талабаларга эса уларнинг ота-оналари яшаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда имтиёзлар бериш керак...**

## НАЗИРА МАҲКАМОВА

### (62-Янгиер сайлов округи)



**1962 йилда Ховос туманида туғилган. Сирдарё педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси — ўқитувчи. Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.**

Меҳнат фаолиятини Янгиер шаҳридаги тикув-галантерия фабрикаси кадрлар бўлими инспекторлигидан бошлаган. 1985-1995 йилларда Янгиер шаҳридаги 3-умумтаълим мактабида ўқитувчи ва Ховос тумани ҳокимлигида масъул лавозимларда ишлади. 1995 йилдан бери Ховос тумани ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Назира Маҳкамова қаерда, қандай вазифада ишламасин, изланувчанлиги, хушмуомалалиги билан бошқалардан ажралиб туради.

— Меҳнат одамни уч нарсадан: зерикишдан, муҳтожликдан ва қусурдан халос этади, — дейди Назирахон.

У доим янгиликка интилиб яшайди, ташаббускор. Хизмат вазифасини сидқидилдан бажаради. Жамоат ишларида ҳам фаол. Вилоят Кенгаши депутати сифатида сайловчиларининг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлиб келаётир.

Назира Маҳкамова ишлаган даврда Ховос туманида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Шуларнинг ҳаммасини инобатга олган ҳолда сайловчилар кўпчилик орасидан уни танлаб олиб, номзодини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатдилар.

Номзод ўзининг сайловолди дастури ҳақида бундай дейди:

— **Жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг мавқеини янада кўтариш, оналар ва болаларни соғломлаштиришга алоқадор муаммоларни ҳал этиш;**

— **кам даромадли, кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, ишсиз ёшларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш;**

— **қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланишига эришиш;**

— **қўшни давлатлар билан алоқани мустаҳкамлашда халқ манфаатини ҳисобга олиш;**

— **Халқ таълими ва тиббиёт соҳасини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг моддий манфаатдорликларини кўтариш йўлларини излаш тарафдориман.**

**Депутатликка сайланадиган бўлсам, ана шу дастурий режаларни амалга оширишнинг мақбул ва қулай йўлларини излаш, шунга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш, борларини эса такомиллаштиришни мақсад қилиб олганман.**

## АНВАРЖОН ЁҚУБОВ

### (83-Бешариқ сайлов округи)



**1950 йилда Фарғона вилояти Бешариқ туманида туғилган. Саратов давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Бешариқ шаҳридаги фабрикада электрмонтёрликдан бошлаган. Институтни тамомлаганидан сўнг мориф ва бошқа соҳаларда, жумладан, 1981-1983 йилларда Бешариқ шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори, 1983-1992 йилларда Бешариқ туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси ва бошқа масъул лавозимларда фаолият кўрсатган.

1992-1995 йилларда Бешариқ тумани ҳокими ўринбосари, 1995-2003 йилларда Ўзбекистон ХДП Бешариқ туман кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаган. 2003 йилдан буён Бешариқ туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Анвар акани нафақат Бешариқ, балки бутун Фарғона аҳли яхши билади. Одамларга меҳрибон, уларни эзгу мақсадлар йўлига сафарбар ташкилотчи.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган кезларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш ва ислоҳотларни ҳаётга жорий этишда қатор ташаббуслар билан чиққан.

Унинг ташкилотчилиги, партиявий ишга садоқати ва чуқур билими айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бешариқ туман кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган йилларда яққол намоён бўлди. Тўққиз йил давомида туманда ХДП аъзолари сафи 2200 нафардан 4600 нафарга кўпайди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 60 тадан 90 га етди.

У халқ депутатлари туман Кенгашининг депутати. Кенгашнинг қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссияси раиси.

Анвар Ёқубов ташаббуси билан Яккатут, Оқтовуқ қишлоқлари, Й.Мелиев номли ширкат хўжаликларида ўтказилган катта ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган.

Унинг партиявий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ишлари юксак тақдирланган. Номи Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га киритилган.

— Бешариқ марказдан олисдаги чегара туман, — дейди Анвар Ёқубов. — Бу ерда ишсизлик, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг суст бориши каби муаммолар мавжуд. Шу боис ўзимнинг **сайловолди дастуримда қишлоқ аҳлининг меҳнат ёшидаги фуқароларига иш ўринлари яратиш, иқтисодиётга чет эл инвесторларини кенгроқ жалб этган ҳолда қўшма корхоналар қуриш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш каби масалаларни кўтарганман. Ундан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш, келажакда соғлом, баркамол наслни тарбиялаш ҳам бугуннинг муаммоси. Чекимизга яна бир масъулиятли вазифа тушадики, биз нафақат бугуннинг балки, келажакда юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларнинг ҳам олдини олиш учун курашишимиз лозим.**

## ЗИЁДА ҲАМРАЛИЕВА

### (84-Данғара сайлов округи)



**1961 йили туғилган. 1983 йили Фарғона политехника институтини тугатган. Мутахассислиги муҳандис-иқтисодчи.**

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Данғара туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида катта иқтисодчиликдан бошлаган. Оилали. 1 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси.

У Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кундан бошлабоқ, шу партия Данғара туман кенгашида ишлаб келади. 2000 йилдан ҳозиргача эса шу партия кенгашининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Партиядошлари орасида катта ҳурмат-эътиборга эга. Уни тумандаги энг олис қишлоқларда ҳам, корхона ва муассасаларда ҳам тез-тез учратасиз. Маҳаллаларда ХДП бошланғич ташкилотлари ташаббуси билан турли хил сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Уларда хотин-қизлар, ёшлар ҳам кенг жалб этилиб, ХДП сафларига янги аъзолар қабул қилинади.

Зиёда Абдуфаттоевна мактаблар, ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчи ёшлар билан гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарлик каби иллатлар тарқалмаслиги учун турли хил профилактик тадбирлар, юзма-юз мулоқотлар ўтказишни ўз иш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири деб билади. Бундай тадбирлар ва мулоқотларга обрў-эътиборли одамлар, ишлаб чиқариш илғорлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари таклиф қилинади.

— Зиёдахон ташаббускорлиги, маънавий етуклиги, намунали оилавий ҳаёти билан туманимиз аёлларига ўрнак, — дейди ХДП фаолларидан А.Абдурахмонов. — У ўзининг ҳалол меҳнати ва ташкилотчилиги билан нафақат ХДП туман ташкилоти ривожига, балки вилоят халқ хўжалиги тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Номзод дастуридан бугунги куннинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари юзасидан қатор таклифлар, режалар ўрин олган:

— **Қишлоқ жойларида аёллар орасида ишсизлик кўп. Чунки саноат корхоналари кам. Аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш учун пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари қуриш, уларга маълум имтиёзлар жорий қилиш керак.**

— Хотин-қизлар орасида диний ақидапарастлик ва турли ноқонуний диний йўналишлар таъсирини бартараф этиш учун сиёсий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтириш, хотин-қизлар қўмиталарининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— **Фуқароларнинг банклар билан ҳамкорлигини янада яхшилаш мақсадида суда ва кредитлар ажратиш механизмини соддалаштириш, берилган қарзларнинг мақсадли сарфланиши ва вақтида қайтарилиши тизимини янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш...**

Зиёда Ҳамралиева бундай таклифларни нафақат олға суради, балки, тажрибали партия ходими сифатида уларни амалга оширишнинг қонуний йўлларини ҳам яхши билади.

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

## УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



## СУРАЙЁ ОДИЛХЎЖАЕВА

### (85-Яйпан сайлов округи)

**1964 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли. Тошкент давлат университети ва Тошкент юридик институтини тамомлаган, ихтисослиги — ҳуқуқшунос, биолог. Юридик фанлари доктори, профессор, 70 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Сурайё Одилхўжаева меҳнат фаолиятини 1986 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Физиологик институтида катта лаборантликдан бошлаган. У 1988-1991 йилларда Тошкент давлат университети аспирантурасида таҳсил олган. 1991-1996 йилларда Тошкент давлат университети физиология кафедраси ассистенти, доценти, 1996-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Адлия бошқармасининг 1-тоифали мутахассиси, етакчи мутахассиси, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

1998-1999 йилларда Тошкент давлат юридик институти аспирантурасида таҳсил олган. 1999-2000 йилларда Тошкент давлат юридик институтининг Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасида катта ўқитувчи, доцент сифатида фаолият кўрсатган. 2000-2001 йилларда Тошкент давлат юридик институти докторантурасида таҳсил олган. 2001-2004 йилларда Тошкент давлат юридик институти илмий кенгаши котиби, Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси доценти, 2004 йил октябрь ойидан буён Тошкент Давлат юридик институти Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедрасида профессор вазифасида фаолият кўрсатяпти.

У Халқаро тижорат ҳуқуқи бўйича Европа ҳуқуқи, хотин-қизлар ҳуқуқи, халқаро соғлиқни сақлаш ҳуқуқи мавзуларидаги илмий-амалий конференцияларда қатнашиб, халқаро сертификатларга эга бўлган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Ўз сайловолди дастурида у қуйидаги масалаларга аҳамият берган:

— **Мен, аввало, соғлиқни сақлаш ва таълимга оид қонунчилик имконларини кенгайтиришга аҳамият бермоқчиман. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши, ҳар бир фуқаро ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиши лозим, бу билан биз аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар тарқалишининг олдини олишга эришамиз. Энг катта муаммо — аҳолини иш билан таъминлаш. ЎзХДП Сайловолди Платформасида айтилганидек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг унумли бандлигига эришиш халқ турмуш даражасини оширишнинг бош йўналиши бўлмоғи керак.**

**Иқтисодиётимизни соғломлаштириш учун банк тизимини ислоҳ қилиш лозим. Ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулоти, товарлар хизматларидан олган даромаддан мустақил фойдаланиш эркинлигини таъминлаш керак.**

**Қишлоқ хўжалиги хусусий мулкнинг мақомини мустаҳкамлаш ва шу асонда деҳқоннинг ўзига қарашли хўжалик ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий мулкдори бўлиши лозим. Солиқ тизимни қайта кўриш ва даражалаш асосида солиқлар микдорини ўзгартириш керак, деб ҳисоблайман.**



## ЖУМАБОЙ ҲАМДАМОВ

### (86-Қўқон сайлов округи)

**1941 йилда Фарғона вилояти Учкўприк туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Муҳандис-механик, муҳандис-қурувчи.**

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Ангрен шаҳридаги 72-автосаройда механик бўлиб ишлашдан бошлаган. 1962-1971 йилларда Олмалиқ автобус-такси паркида механик, бош муҳандис, директор, 1971-1995 йилларда Фарғона вилоят хўжаликлар тресті бош муҳандиси лавозимларида ишлаган. 1995 йилдан буён Туманлараро тайёрлов-таъминот савдо базаси раҳбари, айни пайтда, 2002 йилдан буён Учкўприк туманидаги «Гранд-Арсенал» ФАР кўптармоқли ишлаб чиқариш компанияси бош директори.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Жумабой Қўқондаги автойўл техникумига кириб, тақдир тақозоси билан Тошкент вилоятидаги автобазаларидан бирида механик бўлиб ишлай бошлади. Ёш, ғайратли, ерга урса кўкка сачрайдиган даврлари. Ўз касбини тез ва пухта эгаллаб олди. Жамоа бошини бириктириб, бир мақсад сари йўналтира олиш қобилияти шундоқ кўриниб турган йигитча дарҳол кўпчилик назарига тушди. Шу орада университетда таҳсил олди. Кўп ўтмай, корхонада бош муҳандис, директор лавозимларига кўтарилди...

Она қишлоғи Қўқон шаҳри атрофида, Эрхуббибуво номи билан аталади. Бу ерларда оддий халқ орасида зироатчилик, сувчилик билан шуғулланган «йигитлар пири» деб ном таратган бу авлиё инсоннинг қадамжолари ҳам бор. Бироқ, катта йўлдан анча четдаги бу қишлоқларга лойгарчилик кезлари, айниқса, қиш кунлари бориш амри маҳол. Йўллар тор, ботқоқ. Қишлоқ орасидан оқиб ўтган Совуржонсой устида эса кўприк йўқ.

Бир кун у қишлоғига келаётиб, бу йўлда кўп сарсон бўлди. Машинаси лойга ботди. Уни чиқараман деб трактор ҳам тиқилди. Хуллас, бир аҳволда қишлоққа етиб келганида, одамлар унга шу сой устида кўприк солиш кераклигини айтишди.

— Бўлди, кўприк қурилади! — деди у.

Кузга қолмай кўприк битди. Шу йўлдан Қўқон шаҳрига мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилди. Кўприк ва йўл ҳамон одамлар хизматида. Кейинчалик Жумабой қишлоққа табиий газ келтиришга ҳам бош-қош бўлди...

Йиллар ўтди. Жумабой яна қанчадан-қанча эзгу ишларга бош-қош бўлди.

— **Ҳали қиладиган ишлар жуда кўп. Масалан, Қўқонда баъзи бир корхоналарнинг инқирозга учраб зарар кўриб ишлаётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, ишни ташкил этишни бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ олиб бориш, чет эл инвесторларини излаш керак. Режаларга кўра, шаҳарнинг ўзида 20 минг одамни иш билан таъминлаш имконияти мавжуд. Бу масалани ҳал этишда партиямизнинг Сайловолди Платформаси бизга дастуриламал бўлади,** — дейди у. — **Мен партиямиз Платформасини ўзимнинг дастурим, деб биламан. Агар сайловчилар ишончини қозониб, қонунчилик палатаси депутати бўлсам, унда кўрсатилган масалаларнинг амалга ошиши учун астойдил курашаман.**



## АДҲАМ СОЛИЕВ

### (87-Боғдод сайлов округи)

**1965 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгилсаноат институтини тамомлаган. Муҳандис-технолог. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Юлдуз» ёшлар ташаббускор гуруҳи ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлигидан бошлаган. 1992-1996 йилларда Қўқон шаҳар марказлашган ҳунар мактаби раҳбари, 1998-2000 йилларда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси қимматбаҳо қоғозлар, иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси бошлиғи, 2000-2003 йилларда Буюк Британиянинг «Квик-стоп-холдинг» компанияси иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси, «Патис централ эйша» ЛТД фирмаси президенти ёрдамчиси лавозимларида ишлаган. 2003 йилдан буён «Бувайда» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.

Адҳам Бурхонович Солиев янгича фикрлайдиган одам. Бувайда туманидаги «Бувайда» ҳиссадорлик жамияти 2000 йилга келиб «қулоғигача» қарзга ботиб қолди. Натижада кўплаб ишчи-хизматчилар, мутахассислар ишсиз қолди. Бу орада кўпчилик раҳбарлар келиб кетди. Лекин вазият ўнгланмади. Ана шундай шароитда жамиятга партиямизнинг фаоли, жонкуяри, тадбиркор раҳбар Адҳам Солиев келди. Бошида кўпчилик унга «келиб кетган шунча раҳбарларнинг бири-да», дея ишонишмади. Бу ерда унга кўпчилик билан тез чиқишиб кета олиш қобилияти жуда қўл келди. У ҳиссадорлар ҳамкорлигида корхонанинг ички имкониятларидан оқилона фойдаланди. Шунинг натижасида жамоа 3-4 ой ичида қарзлардан қутилди. Кейинги йилларда эса корхонанинг ўз ишчи-хизматчиларидан 6 йиллик қарзлари батамом тугатилди.

— Бир кун миямга, аёлларни уйда, оиласи, бола-чақаси даврасида ўтириб ишлайдиган меҳнат билан таъминлашни ташкил этсак қандай бўларкин, деган фикр яшиндек урилди, — дейди у. — Шундан сўнг вилоятимиздаги аёлларнинг яшаш шароитларини ўрганиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда мустаҳкам мавқега эга бўлишини таъминлаш мақсадида жамиятимиз томонидан ишсиз аёлларни 2005 йилда иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқдик ва Республика хотин-қизлар қўмитасига ҳавола этдик. Улар бизни қўллаб-қувватлади. Ҳозирги кунда хонадонларда боқилаётган қўй-эчкиларнинг жунларидан қўл меҳнати асосида гилам, кигиз, пайпоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

Баъзан дўстларим «Шундай яхши ишинг бор. Депутатликни нима қиласан?» деб сўраб қолишади. Бир қараганда уларнинг гаплари тўғрига ўхшаб кетади. Лекин, агар мен халқ ишончини қозонсам, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати бўлиш менга мана шу тажрибани қонунчилик асосида янада ривожлантириш, бутун мамлакатимиз бўйлаб оммалаштириш, ишсизликка қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бунинг юртимиз иқтисодиёти учун қанчалик катта фойда келтириши мумкинлигини англаб олиш қийин эмас.



## МАҲМУД МАҲКАМОВ

### (88-Учкўприк сайлов округи)

**1967 йили Учкўприк туманида туғилди. Фарғона политехника институтини битирган. Иш фаолиятини 1991 йилда Учкўприк Матлубот-савдо жамиятида иқтисодчи вазифасидан бошлаган.**

1993 йилдан «МММ» хусусий кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмасида раҳбар, 1999 йилдан эса «Ал-Фарғоний» автохизмат жамоа корхонасида директор лавозимларида фаолият кўрсатди. 2001 йилдан ҳозирги қадар 94-автокорхона масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Маҳмуднинг дадаси Мухтор ака Маҳкамов вилоятда таниқли инсон. У саксонинчи йиллар охирларида Қўқон атрофида қурилиши бошланган Янги Қўқон кимё заводининг атроф-муҳит, экологияга зарар етказиши мумкинлигини англаб, мутахассис сифатида бу қурилишга кескин қарши чиққанди. Шу боисми, Маҳмуднинг сайловолди дастурида ҳам атроф-муҳит, экология масалаларга катта эътибор берилган.

Қўқон атрофидаги еrости сув ҳавзаси суви тозалиги жиҳатдан нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам энг сара ичимлик суви захираларидан ҳисобланади. Афсуски, кейинги йилларда захсувларининг юзага кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиши кўчайиши нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, балки, ичимлик сув захираларига ҳам катта зиён етказяпти. Сирдарё ҳавзасидаги сойлар, ариқ ва бошқа сув манбаларини ифлослантириш, саноат чиқиндиларини тўкиш ҳоллари ҳали тўлиқ бартараф этилган эмас. Демак, номзодимиз айтганидек, **деҳқончилик экинлари парваришини оқилона йўлга қўйиш, инсон саломатлигини асраш, мустаҳкамлаш, ҳайвонот ва наботот олами тўкислигини муҳофазалаш каби жуда кўплаб соҳаларда экологияга оид қонунлар бузилмаслигини таъминлаш ҳамда бу қонунларга тегишли ўзгартиришлар, қўшимча киритиш лозим.**

— Маҳмуд Маҳкамов жамиятимиз бошқарувига раис бўлиб келгунга қадар ишимиз унча яхши эмас эди, — дейди корхона ҳайдовчиси Норматжон Турдалиев. — Ҳозир автокорхонамиз кўрсатаётган йиллик хизмат 200 миллион сўмликдан ошиб кетди. Акцияларимиз дивидентларини вақтида оляпмиз. Ойлик маошларимиз ҳам ошди...

Номзод ўз сайловолди дастури ҳақида шундай дейди:

— **Истеъмол борасида минг афсуски, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган моллар ва хизматлар импорт маҳсулотлари ҳамда хизматларига нисбатан кам. Айрим давлатларда ишлаб чиқарилган енгил-елпи, усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотлар бозорларимизни тўлдириб юборяпти. Бу аҳволдан қутилишнинг икки йўли бор: биринчиси, сифатли, чидамли ва рақобатбардош маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариб, ички бозорни тўлдириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича тегишли қонунларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, лозим бўлса, янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш.**

**Иккинчиси, солиқ тизимини такомиллаштириш керак. Чунки, айрим ҳолларда солиқлар юки баъзи корхоналар учун оғир бўлиб, уларнинг ривожига туғаноқ бўлмоқда. Бу, албатта нозик иш. Лекин мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб, солиқлар меъёрини аниқ белгилаш — давр талаби...**

Маҳмуд Маҳкамов ёш, ғайратли, ташаббускор раҳбар. Унинг номзодини сайловчилар қўллашса, парламентда қонун ижодкорлиги жараёнларига ўз ҳиссасини қўшиши, шаксиз.



## АДҲАМЖОН ОТАЖОНОВ

### (89-Риштон сайлов округи)

**1956 йилда туғилган. Олий маълумотли. 1977 йилда Фарғона политехника институти ва 2001 йилда Фарғона давлат университетини битирган. Ихтисослиги — муҳандис, ҳуқуқшунос. Спортнинг бокс тури бўйича спорт устаси, кураш тури бўйича спорт усталигига номзод. Қатор медаллар ва нишонлар соҳиби. Икки ўғил ва икки қизнинг отаси.**

Вилоятда хоҳлаган одамингиз билан суҳбатлашинг: Адҳамжон Отажонов ҳақида фақат яхши фикрлар эшитасиз. У узоқ йиллар давомида вилоят ташкилотларида самарали меҳнат қилди. Камтар, инсонпарвар, ўзгалар дардини ўз оғриғидай ҳис қила оладиган инсон.

Меҳнат фаолияти даврида талабчан, ташкилотчи, ташаббускор ходим сифатида ўзини намоён қила олди. Ўзига ишониб топширилган ҳар бир ишга ва вазифага масъулият билан ёндашди.

Ҳозир у вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича котибият бош мутахассиси.

— Вилоятда етарли обрў-эътиборингиз бор. Иш жойингиз яхши. Нима учун Қонунчилик палатасига депутат бўлишга бел боғладингиз? — дея сўраймиз ундан.

— Биласизми, мен одамларга ҳавойи, баландпарвоз гаплар, қуруқ ваъдалар бериб, бир амаллаб депутат бўлиб олган, лекин кейинчалик юмшоқ қилиб айтганда, ваъдаларни бажармаган одамларни ҳам кўрдим. Лекин гап бунда эмас. Халқ янги Парламентдан, узоқ муддат ишлайдиган, мукаммал қонунлар кутяпти. Мен эса ҳам муҳандис, ҳам ҳуқуқшуносман. Халқ орасида юриб унинг ўй-ташвишларини яхши ўрганганман. Умри узоқ қонунлар яратилишига ўз ҳиссамни қўша оламан, деб ўйлайман...

Муаммолар эса оз эмас. Масалан, **хорижий инвестициялар жалб этиш масаласини олайлик. Биргина мен номзодимни қўйган Риштон сайлов округида шундай қатор ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни санаш мумкин. Масалан, Сўхдаги Чашма-минерал сув манбаида дунёдаги энг тоза ичимлик сув мавжуд. Бир пайтлар бу сувни Швеция тадбиркорлари қадоқлаб, четга олиб чиқиб сотиш бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этганлар.**

**Ёки дунёга машҳур Риштон қандак ўригини, Чўндара девзира гуручини қайта ишлашга йўналтириш ва дунё бозорига олиб чиқиш, машҳур Риштон кулолчилиги маҳсулотларини экспорт қилиш, туризмни ривожлантириш каби масалалар кун тартибида турибди.**

Адҳамжон Отажоновнинг сайловолди дастуридаги мақсадлар биргина ўз округи доирасида эмас. У мамлакатда қонунлар бошқарадиган озод шахснинг камоли ва ҳуқуқлари кафолатланиши ҳамда қонун билан ҳимояланишини таъминлашга хизмат қилувчи ҳужжатлар қабул қилинишига эришишни ўзининг бош мақсади деб билади.

У бу масалаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси минбарига нафақат олиб чиқадиган, балки уларнинг ҳаётга жорий этилиши йўлида астойдил жон куйдирадиган куюнчак инсон.

Шундайларга овоз берган сайловчилар янглишмайди.



## ҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ

### (90-Олтиариқ сайлов округи)

**1957 йилда туғилган. Тошкент автомобиль йўллари институтини тугатган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Сиз билан биз яшаб турган дунё серғайрат одамларнинг меҳнат фаолияти, янгиликка интилишлари, илғор тажрибаларни амалда қўллашлари натижасида тобора такомиллашиб бормоқда. Қаҳҳор Иброҳимов ана шу йўлда жонкуярлик қилиб келаётган фидойилардан.

У меҳнат фаолиятини йўл таъмирлаш корхонасида оддий механик сифатида бошлади. Анча йиллар қўлиқадоқ ишчилар, заҳматкаш йўлсозлар орасида меҳнат қилди. Оддий инсонларнинг интилишлари, ўй-ташвишлари билан бирга, уларга ҳамнафас, ҳамқадам бўлди. Қаҳҳордаги иш кўзини билиш, раҳбарлик салоҳияти тез орада кўзга ташланди ва уни яна бир масъулиятли вазифа — ёғочни қайта ишлаш заводига директор этиб тайинлашди.

Ташкилотчилик, тадбиркорлик, одамлар билан ишлай билиш — унга ота мерос. Раҳматли дадаси Маматожи Иброҳимов нафақат Фарғонада, балки республикада кўзга кўринган тадбиркор эди. Ҳозирги Қаҳҳор Иброҳимов раҳбарлик қилаётган Ҳамза минерал сув қуйиш корхонаси «Шоҳимардонсой» масъулияти чекланган жамият эришган ютуқлар ҳавас қилгулик даражада.

— Гапни кўпайтирмай биргина мисолни айтиб қўяқолай, — дейди Олтиариқ туман «Давр овози» газетаси муҳаррири Олимжон Ҳакимов, — унинг корхонасида туманимизда бирорта ҳам меҳнат корхонаси эришмаган кўрсаткич бор: бу — ишчи ва хизматчилар сонининг йиллар давомида қисқармаганлиги! Улар кўпайса кўпайдики, камаймади

Шу боисми, ишчи-хизматчилар раҳбар атрофида жипс бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, миқдорини кўпайтириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бу ўз натижаларини берди. 2002 йил охирларида «Шоҳимардонсой» корхонасида тайёрланган сув Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган сифат танловида юксак мукофотга сазовор бўлди.

Номзоднинг сайловолди дастури: **бозор-иқтисодиёти шароитларида соғлом рақобат асосида ишлаётган корхоналар мутасаддиларининг ўзаро муносабатларда, хусусан дебиторлик-кредиторлик масалаларида муаммолар ечимини топишнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш...**

— **Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида рўй бераётган суиистеъмолликлар олдини олиш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш...**

— Ҳар қандай одам бахтли-саодатли бўлиш, яхши яшаш, ўзидан комил фарзандлар қолдириш ва эл-юртига сидқидилдан хизмат қилиш учун дунёга келади, — дейди Қаҳҳор Иброҳимов. — Аллоҳ томонидан ато қилинган мана шу иноятни кафолатлаш — давлатнинг, парламентнинг вазифаси, деб биламан...

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

## УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ТОЛИБЖОН АҲМАДЖОНОВ

### (91-Охунбобоев сайлов округи)



**1959 йилда Охунбобоев туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-иқтисодчи. Меҳнат фаолиятини саксонинчи йиллар бошида Марказий жамғарма банкида оддий ходимликдан бошланган.**

1986 йилдан бошлаб ўқитувчи-педагог сифатида ишлаб келади. Кейинги ўн саккиз йил ичида Марғилон ҳисоб-кредит техникумида ёшларга таълим берди.

Ҳозир у Марғилон шаҳридаги иккинчи енгил саноат коллежи директори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ёш авлодни тарбиялаб, ҳаётга бир касбни тўлақонли мутахассиси сифатида йўллаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ўқувчиларнинг шарт-шароитларини яхшилаш учун бетиним елиб-югуриш унинг кундалик ҳаёт тарзи.

У ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳаракат қилади.

— Ёшлар мамлакатимиз келажаги, — дейди у. — Ўзбекистоннинг яна 20-30 йиллардан кейин қай даражада юксалиши уларга боғлиқ. Шу боис мен **ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар тўғрисидаги мавжуд қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тарафдориман. Масалан, ўзим педагог раҳбар сифатида аминманки, ўқувчиларнинг ҳимояга муҳтож табақаларига турли имтиёзлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Ахир, ота-онасиз ёки кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида имтиёзли асосларда таълим олишларини қонун йўли билан белгилаб қўйиш пайти келмадими?**

**Айрим истеъдодли, келажаги порлоқ талабалар шартнома тўловларини тўлай олмай олий ўқув юртларини тарк этишга мажбур бўлаётганликлари сир эмас-ку. Шу боис мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълимни ривожлантиришнинг умуммиллий дастури доирасида ўқувчи ва талаба ёшларнинг пухта ижтимоий муҳофазаси белгилаб қўйилган қонун лойиҳасини яратиш лозим деб ўйлайман.**

**Ёшларни СПИД, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, безорилик, жиноят кўчасига етакловчи омиллардан асраш шундай иллатларга шароит яратган кимсаларга нисбатан қонунчиликда энг қаттиқ жазо чоралари қўллаш лозим.**

Толибжон Аҳмаджоновнинг дастурида ишсизликка барҳам бериш, аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга асосланган, амалий таклифлар ҳам ўртага ташланган.

## ДИЛОРОМ МУҲАМЕДОВА

### (92-Марғилон сайлов округи)



**1952 йилда Марғилон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1975 йили Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Дилором Муҳамедованинг бутун иш фаолияти Марғилон шаҳри билан боғлиқ. У қайси лавозимларда ишламасин, Кумушбиби ватани — гўзал Марғилон учун куч-ғайрати ва ташаббускорлигини аямади. 1995 йилдан буён Марғилон шаҳар ҳокимининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифаларида ишлаб, аёллар билан боғлиқ барча муаммоли масалаларни ечишда бош қўшади. Уларнинг ташвишу изтиробларини ҳал этиш, ҳаёт тарзларини яхшилаш учун елиб-югурди. Шаҳар хотин қизларининг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оилада, жамиятда ва давлат қурилишидаги ўринларини янада нуфузли бўлиши учун курашади.

Дилором Муҳамедованинг Марғилон шаҳар телевидениясини ташкил этишда жонбозлик кўрсатгани ҳамон ҳамшаҳарлари ёдида. Икки-уч йил олдин халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда Янгибоғ маҳалласида ўқув ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилишида ҳам у бош-қош бўлди. Шуни айтиш керакки, ушбу корхонага асосан кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар ишга олинди.

— Дилоромхон опа аёллар учун шундай комбинат ташкил қиламиз, деганларида гапнинг рости аввалига ишонмаган эдим, — дейди комбинат раҳбарларидан бири, тадбиркор аёл Мавлуда Нажмиддинова. — Лекин маблағ топилиб, иш бошлангандан кейин опанинг узоқни кўзлаб иш қилганига қойил қолдим. Ҳозир йилига миллионлаб сўмлик маҳсулот тайёрлаб, пешма-пеш сотувга чиқаряпмиз.

Дилором Муҳамедова Марғилондаги аниқ фанлар лицейини ташкил этиш ташаббускори бўлди. Лицейга ўқувчилар жалб қилиш, тарбиявий ишларни замонавий асосларда ташкил этишларига муносиб ҳисса қўшди.

Номзоднинг сайловолди дастури:

**— Хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш ва жамоаларининг катта қисмини аёллар ташкил этган корхоналар сонини кўпайтириш масаласини қонуний асосларда кўриб чиқиш...**

**— Аёллар орасида ишга жойлашишга муҳтож шахсларни ҳар бир маҳалла, қишлоқда рўйхатга олиш, уларни иш билан таъминлаш учун мутасаддилар масъулиятини ошириш...**

## ОЛИЯХОН ШАРИПОВА

### (93-Фарғона сайлов округи)



**1962 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган. Ихтисослиги — библиограф кутубхоначи. ЎзХДП аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда кутубхоначиликдан бошлаган. 1987-1989 йилларда Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, 39-Эшонқишлоқ кутубхонаси мудири, 1989-1995 йилларда Фарғона вилояти Қиргули туманининг марказлашган кутубхоналари бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлади. 1995-1996 йилларда Қиргули тумани ҳокимлиги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг масъул котиби, 1996-2001 йилларда Фарғона шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси, бош мутахассиси бўлиб фаолият кўрсатди.

2001 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Фарғона шаҳар кенгаши биринчи котиби.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Олияхон тақдир тақозоси билан Бешариққа келин бўлиб тушди. Институтни битирган эмасми шу ердаги Эшонқишлоқ кутубхонаси мудири бўлиб ишлай бошади. Қишлоқ аҳлининг китобга қизиқиши, янги китоб учун олисдан йўл босиб келаётган кишиларнинг китобга эҳтироми Олияхонни ҳайратга солди. Уларга бор билимини ишга солиб, хизмат кўрсата бошлади. Кутубхона аъзолари сони тезда кўпайиб кетди. Қўшни Шунқор қишлоғидан бир ногирон одам тез-тез ногиронлар аравачасида келиб турарди.

— Қишлоғимизда кутубхона йўқ, — дея нолиб қолди у бир куни. — Ҳолбуки, бизда ҳам мингдан ортиқ одам яшайди...

Шу одамнинг шикояти боис Олияхон ўша пайтдаги туман раҳбариятига мурожаат этиб, Шунқор қишлоғи учун кутубхона жуда зарурлигини исботлаб берди. Кўп ўтмай шу ердаги қишлоқ клуби қошида янги кутубхона очилди.

Олияхоннинг турмуш ўртоғи Салимжон — ҳарбий хизматчи. Кўп ўтмай улар (турмуш ўртоғининг хизмати тақозоси билан) Фарғонага кўчиб келишди. Олияхон бу ерда ҳам ўзининг севимли иши-маърифатчилик билан машғул бўлди. Ҳамма ерда ўзининг серғайратлиги, ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан ҳурмат-эътибор қозонди.

2001 йилнинг бошларида Олия Шарипова ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгашининг биринчи котиблиги лавозимига сайланди. У ишлаган пайтлари шаҳар партия ташкилоти мустаҳкамланди, ташкилотчилик, ташвиқот-тарғибот ишлари кучайди, бошланғич ташкилотлар сони ўсди.

Мен, — дейди Олияхон. — Ўз дастуримда, **партиямизнинг сайловолди платформасидан келиб чиқиб, асосан меҳнат аҳли, муҳандис-техник, илмий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини кўзда тутгувчи қонунлар ишлаб чиқиш бўйича таклифларимни баён этганман. Биз ахир бекорга ўзимизни сиёсий кучларнинг сўл қаноти дея атамадик. Биз ҳамиша меҳнаткаш халқ тарафдоримиз.**

Олияхон доимо халқни илмли, маърифатли қилишга интилаётган аёллардан. У Фарғона шаҳрида **янги иш ўринлари барпо этиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, энг муҳими, ҳамма жойда ҳамиша қонун талабларига риоя қилинишини таъминлаш учун курашади.**

Ўйлаймизки, у депутат бўлиб сайланса, ўзининг эзгу ишларини кенг кўламда давом эттиради.

## КАРИМА АРИБЖОНОВА

### (94-Водил сайлов округи)



**1948 йилда туғилган. Тошкентдаги собиқ қишлоқ хўжалиги, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтларини тамомлаган. Ихтисослиги — олим-агроном, сиёсатшунос. Оилали. Икки нафар фарзанди бор. ЎзХДП аъзоси.**

Иш фаолиятини Чимкент вилояти Сайрам туманидаги жамоа хўжалигида агроном-боғбонликдан бошлаган. Сўнг Тошкент шаҳар Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармасида ер муҳандиси, 1978-85 йилларда Қишлоқ хўжалик вазирлиги бошқармасида катта агроном, бошқарма бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1992 йилдан буён эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибиятининг қўмиталар билан ишлаш катта референти лавозимида фаолият юритмоқда.

Қаерга борманг, бўлажак сайловнинг гапи. Оммавий ахборот воситаларини-ку қўя туринг, тўй ёки тадбирми, гаштак ёки зиёфатми, гап ўз-ўзидан 26 декабрдаги сайловга келиб тақалаверади. Ҳамманинг кўнглида бир савол: ким депутат бўларкин?

Гапнинг индаллосини айтганда, кўпчилик аллақачон кимнинг ақлу заковати депутат деган юксак номга лойиқлигини англаб етди. Яна бир гуруҳ борки, уларни ҳали-ҳамон шўро давридаги «наказлар» таъсирида юрганлар, ўзларича қоп-қоп ваъдалар бериб чалғитаётир... Лекин бизнинг қаҳрамонимиз депутат нималарга хизмат қилиши унинг ваколатлари, икки палатали парламент аъзоларининг мақоми қандай бўлиши кераклигини яхши тушунади.

Ўн икки йилдирки, Карима Арибжонованинг Олий Мажлисда яратилган қонунларни такомиллаштиришда ҳиссаси бор. У асосан иш фаолиятида саноат, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва истеъмолчиларинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва амалдаги қонунлар ижросини ўрганишда фаол иштирок этади.

У қаерда, қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар топширилган ишга юксак масъулият билан ёндошади. Ўзининг сиёсий етук ва ташаббускор инсон эканлигини кўрсатиб келмоқда. Шу боисдан республика партия фаоллари, кенг жамоатчилик орасида катта ҳурматга сазовор. Унинг сайловолди дастурида: **«Иш ҳақи, пенсиялар миқдорини ҳар бир оилага ҳаёт таъминоти учун етарли бўлишини таъминлаш; ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдорини кўпайтириш ва бериш тартибини соддалаштириш; электр энергияси, коммунал ва йўлкира нархларини оширишда аҳоли даромадини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш** каби масалалар ўрин олганлиги фикримизнинг ёрқин далили.

У қайси гапни қаерда, қандай айтишни, қай муаммони ким билан қандай ҳал қилишни яхши билади. Олий Мажлисга уч чақириқда сайланган депутатлар билан бирга ишлашаяпти. Депутат, парламент иши бўйича тажрибаси етарли. Демак, у депутатликка муносиб номзод.

## РУСТАМ ТЕШАБОЕВ

### (95-Тошлоқ сайлов округи)



**1946 йили Фарғона вилояти Фарғона туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Ихтисослиги — қурувчи-муҳандис. Техника фанлари доктори, профессор. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Фарғона политехника институтида бошлаган. 1970-1971 йилларда институтнинг «қурилиш фанлари» кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган. 1971-1974 йилларда Москва муҳандислик-қурилиш институти аспирантурасида таҳсил олган. Шундан кейинги фаолияти Фарғона политехника институти билан боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида доцент, кафедра мудири, декан, ўқув ишлари проректори лавозимларида фаолият кўрсатди. 1998 йилдан буён институтнинг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Илм бамисоли нур. Унга қанчалар кўп интилсанг, вужудинг шуълага тўлиб бораверади. Айниқса, бошқаларга маърифат улашиш билан шуғулланган одам жамоат ишларига ҳам фаол аралашса, халқ манфаатларини дадил ҳимоя қила билса, бундай инсоннинг эл-юрт ўртасида ҳурмати ортади.

Рустамжон Тешабоев ана шундай одам. У бир қанча муддат халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг депутати сифатида фаолият кўрсатди. Тошкент темир йўл муҳандислари ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтлари қошидаги докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш бўйича махсус илмий кенгашлари, мамлакатимиз ва чет эллардаги илмий журналлар таҳрир ҳайъатининг аъзоси.

Рустам Тешабоев педагог-олим сифатида ёшлар ўртасида таълим-тарбия ва маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликка қарши кураш, йўлдан адашган ўсмирларни тарбиялаш каби ишларга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Депутатликка номзод Рустам Тешабоевнинг дастуридан мамлакатимиз келажаги учун муҳим бўлган кўплаб режалар ўрин олган. Жумладан:

**— қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов-сотув идоралар орасидаги мулкий ва шартномавий ҳуқуқий муносабатларда, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх-наво белгилашда тайёрлов идораларнинг масъулиятини ошириш, нарх белгилашда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, яъни деҳқоннинг ўз маҳсулотига ўзи эркин эгалик қилиш ҳуқуқини кучайтириш;**

**— фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, биринчи галда меҳнат билан таъминланиш, аёллар ва ёшлар орасида ишсизликка барҳам бериш, янги иш ўринлари яратадиган корхоналарни ҳар тарафлама рағбатлантириш ва бу корхоналарга нисбатан имтиёзлар белгилаш.**

**Номзоднинг фикрича, олий ўқув юртларини тамомлаган ёш кадр ўз вақтида иш билан таъминланмаса, унинг олган билимлари амалиёт билан мустаҳкамланмайди. Шу боис ўқув даргоҳларини тугатган ёшларни тез иш билан таъминланиш механизмини яратмоқ зарур.**

Рустамжон Тешабоев юксак маънавиятли, камтар ва меҳнатсевар инсон. Сайловчилар янги парламентга ишлаш учун мана шундай салоҳиятли, ҳаёт тажрибасига эга, назарий ва амалий билимлар соҳиби бўлган инсонларга овоз берсалар янглишмайдилар.

## РАЙИМЖОН КОМИЛОВ

### (96-Қува сайлов округи)



**1954 йилда Фарғона вилояти Қува туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган. Қурувчи-муҳандис. Ўзбекистон Халқ демокартик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Қува тумани техника таъмирлаш идораси устаси бўлиб ишлашдан бошлаб, муҳандис, шаҳобча бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, бош муҳандис лавозимларида ишлаган. 1986-1989 йилларда туман агросаноат уюшмаси раиси ўринбосари, 1989-1992 йилларда туман капитал қурилиши бошқармаси бошлиғи, 1992-2000 йилларда туман «Машина-трактор парки» ҳиссадорлик жамияти раиси, 2000-2002 йилларда М.Шербўтаев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, 2002-2004 йиллада «Машина-трактор парки» ҳиссадорлик жамияти раиси бўлиб ишлаган.

2004 йилдан М.Шербўтаев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

У қишлоқ хўжалиги муаммолари, қишлоқ одамлари ташвишларини яхши билади. Табиатан тадбиркорлиги учун кўп муаммолар ечимини ўзи топади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида у туман машина-трактор парки раҳбари бўлиб ишларди. Хабарингиз бор, ўша йиллари бу соҳада ҳам бир мунча мураккаб вазият юзага келган эди. Чунки, қишлоқ хўжалик техникалари эскирган, эҳтиёт қисмлар эса Россиядан олиб келингани боис бу имкониятлар энди чегаралаб қўйилганди. Шунда Райимжоннинг ташаббуси билан машина-трактор паркида эски эҳтиёт қисмларини таъмирлаш ва шу ерда ясаш имкони бўлганларини эса ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Райимжон қишлоқ хўжалигини яхши билади, уни ривожлантиришни янги, замонавий техника воситаларисиз амалга ошириб бўлмаслигини чуқур тушунади. У мазкур соҳадаги муносиб меҳнатлари учун Республика Президентининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган.

Райимжон Комилов халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати. Депутат сифатида вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда кенгашдаги Халқ демократик партияси гуруҳи орқали кўпгина муаммоли масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишда ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилишида фаол иштирок этади. Ўзи сайланган округ аҳолисининг бугунги муаммолари, ўй ташвишларини эътиборсиз қолдирмайди.

Унинг сайловолди дастурида биринчи галда **қишлоқ аҳолисининг реал даромадларини ошириш, қишлоқдаги мактаблар ва шифохоналар, маданият муассасалари ва бошқа хизмат корхоналарининг фаолиятини шаҳар даражасига етказиш, ҳар бир қишлоқ фуқаросининг кундалик эҳтиёж моллари, асосий озиқ-овқат ва ҳаётий зарур хизматларга ихтиёжини тўлиқ қондириш учун барча шарт-шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.**

— Республикамиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодимни қўйишдан мақсад, — дейди Райимжон Комилов — айниқса, **қишлоқ хўжалик соҳасидаги қонунларни мукаммаллаштириш, бу қонунларнинг аграр соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги ролини кучайтиришга бир мутахассис, оддий деҳқонлар вакили сифатида ўз ҳиссамни қўшишга интилишдир.**

Қўшсаҳифа материалларини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Алижон АБДУРАҲМОНОВ, Саида САЙХУН, Беҳзод ШУКУРОВ, Алишер ИБОДИНОВ ва Носиржон ДЕҲҚОНОВ тайёрладилар

**Ўзбекистон ифтихорлари**

**Иқтидорли «чарм қўлқоп» устаси, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Сидней олимпиадаси бронза медали совриндори Рустам Саидовнинг рингдаги фаолияти бугун барча мухлисларни бирдек қизиқтирмоқда. Кейинги пайтларда ушбу боксчининг профессионал боксга ўтаётганлиги ҳақида турли миш-мишлар кўпайганди. Хўш, Рустам Саидов айни чоғда қаерда? Ростдан ҳам у профессионал боксга ўтдими? Боксчимизнинг келгуси режалари қандай? Яқинда моҳир боксчимиз билан уюштирган суҳбатимиз бу саволларга атрофлича жавоб бера олади, деб ўйлаймиз.**

## Рустам САИДОВ:

# «ПРОФЕССИОНАЛ РИНГГА ШОШИЛАЁТГАНИМ ЙЎҚ»

**— Рустам, Грецияга жўнаш олдидан «Афина олимпиадаси ҳаётимда муҳим аҳамият касб этади. Насиб қилса, яна Олимпия совриндорлари қаторига кирсам, профессионал боксга ўтаман», дегандингиз. Бироқ, натижа сиз ва бокс ишқибозлари кутганидек бўлиб чиқмади...**

— Одатда, спортчининг ғалабаси кўпроқ омад ва қуръага боғлиқ, дейишади. Рингда Куба ва Россия вакилларига илгари кўп рўбарў келганман. Баъзан енгиб, гоҳида ютқазганман. Айнан олимпиадада ҳам асосий рақибларим кубалик Нунес Лопес ва Александр Поветкинлар бўлишини билардим. Фақат улар билан ҳал қилувчи жангларда рўбарў келсам, деган ниятда эдим. Аммо қуръа борасида менга омад кулиб боқмади. Афина олимпиадасида илк учрашувни кўзга кўринган боксчилардан бири, жаҳон кубоги соҳиби Лопесга қарши ўтказдим.

**— Кубалик боксчи билан ўтказган мазкур жангингизни кўпчилик ҳамкасбларимиз Афина олимпиадасининг финал учрашувига тенглаштирган. Ҳатто, учрашувдан сўнг Рустам Саидов қуръа «қурбони» бўлди, деб ёзишди. Учрашув тафсилоти ҳақида икки оғиз гапириб бера оласизми? Ўшанда нима бўлганди аслида...**

— Ҳозир бу ҳақда гапиргим келмаяпти. Лекин рақибимнинг устунлик томони — унинг чапақайлиги эди. Мен эса чап қўлда яхши ишлай олмайман. Учрашувнинг дастлабки тўрт раундида хитойлик рефернинг икки бор танбеҳ берганлиги менга анча қимматга тушди. Якунда кичик фарқ билан очколар ҳисобида кубалик боксчи ғалаба қозонди. Агар ушбу учрашувни ўз фойдамга ҳал қилганимда, албатта Афинадан уйга медаль билан қайтардим. Начора...

**— Мағлубиятдан сўнг ўзингизни қандай ҳис этдингиз? Кўнглингиздан нималар ўтди? Қолаверса, оила аъзоларингиз сизни қандай кутиб олишди?**

—Ўша кунгача Афинада саккиз вазн тоифаси бўйича барча йигитларимиз ғалаба қозонган. Шу туфайли кайфиятимиз ҳам аъло даражада эди. Афсуски, мен билан бир кунда Игорь Алборов ҳам мисрлик боксчига қарши рингга чиқиб, мағлубиятга учради. Игорь иккимизнинг мағлубиятимиз ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. Олимпия чемпионлигини қўлга киритишдек катта орзуим яна тўрт йилга кечикканлиги менга албатта, алам қилади. Мағлубиятимни эшитиб дадам анча эзилибди, ойижоним ва сингилларим кўзларида ёш билан мени кутиб олишди. Машҳур боксчи Костя Цзю таъбири билан айтганда, «Чемпионликка мағлубиятсиз эришиб бўлмайди». Уларга Пекин олимпиадасида албатта, ўз мақсадимга эришаман, деб таскин бердим.

**— Демак, бундан чиқди сиз ҳали-бери профессионал боксга ўтмас экансиз-да?..**

— Ҳа, шундай. Энди йигирма олтига кирдим. Афинадаги кутилмаган омадсизлик менга катта сабоқ бўлди. Ниятим 2008 йилда бўладиган навбатдаги олимпиадагача кўпроқ тажриба тўплаш, жаҳон кубоги ва жаҳон чемпонлигини қўлга киритишдир. Кўз тегмасин, мағлубиятдан кейинги дастлабки йирик мусобақа — талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан олтин медаль билан қайтдим. Ноябрь ойида Анталия (Туркия)да уюштирилган мазкур мусобақада дунёнинг 37 мамлакатидан боксчилар қатнашди. Оғир вазн тоифаси бўйича финалда хитойлик рақибимни биринчи раунддаёқ нокаутга учратдим. Бахтга қарши у ҳам чапақай экан...

**— Рустам, эртами-кеч сиз ҳам барибир профессионал боксга ўтсангиз керак. Албатта, профессионал боксчиларимизнинг чиқишларини ҳам кузатиб бораётгандирсиз...**

— Ҳа. Боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Темур Ибрагимов, Қувончбек Тайғонбоевларнинг ҳар бир жангини кўриб боришга ҳаракат қиламан. Ўз вақтида ҳаваскор боксчилар ўртасида юксак чўққиларни эгаллаган бу спортчиларимизнинг чиқишлари мени ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди. Ишонаманки, улар профессионал рингда ҳам ҳали ўзларини кўрсатишади. Бу борада мен жаҳоннинг машҳур боксчилари ака-ука Кличколарга ҳавас қиламан. Шунингдек, афсонавий Муҳаммад Али ўтказган жанглар ёзилган видео тасмани томоша қилиб чарчамайман. Сидней олимпиадаси чоғида Муҳаммад Алидек машҳур инсон билан учрашганлигимдан бахтиёрман. Гарчи профессионал рингга шошилмаётган бўлсам-да, келажакда албатта унга ўхшаб довруқ қозонишни орзу қиламан.

**— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?**

— Кўпроқ ота-онамнинг олдиларида бўлишга ҳаракат қиламан. Мусиқа тинглашни, кино кўришни ёқтираман. Яқинда Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева билан дуэт ижро этдим. Бу дуэтимиз янги йил оқшомида «Sport» телеканали орқали намойиш қилинади. Яна бир гап. Агар кинорежиссёрлар бирорта фильмга таклиф қилишса, жон-жон деб рози бўлардим.

**Маълумот учун:**

**Рустам Саидов 1978 йил 6 февралда туғилган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.**

**Эришган ютуқлари:**

**1. 1999 йил. Тошкент. Осиё чемпионати ўз вазни (+91 кг.) тоифасида олтин медаль совриндори ва Сидней олимпиадасига йўлланма.**

**2. 2000 йил. Сидней. XXVII ёзги олимпиада бронза медали соҳиби.**

**3. 2001 йил. Аризбен, Австралия. Яхши ният ўйинлари. Кумуш медаль совриндори.**

**4. 2002 йил. Пусан, Жанубий Корея. XIV Осиё ўйинлари чемпиони.**

**5. 2003 йил. Душанбе, Тожикистон. V Марказий Осиё ўйинлари чемпиони.**

**6. 2003 йил. Бангкок. Таиланд. XII жаҳон чемпионати бронза медали совриндори.**

**7. 2004 йил. Пуэрто-Принцесса, Филиппин. Осиё чемпионати олтин медали ва Афина олимпиадаси йўлланмаси соҳиби.**

**Камтар ва камсуқум, ҳаётда дилкаш боксчи Рустам Саидов билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Ўз маҳоратини янада ошириш, юксак натижаларга эришиш йўлида тинимсиз изланаётган боксчи ҳақида унинг мураббийи Илёс Раҳимжонов шундай дейди:**

— Рустам билан 2002 йилнинг февралидан бери ишлаяпман. Бунгача у таниқли мураббий Михаил Романчук қўл остида шуғулланган. Рустам ниҳоятда тиришқоқ ва меҳнатсевар бола. У машаққатли машғулот эвазигагина ғалаба қозониш мумкин эканлигини жуда яхши билади. Спортда омад ва омадсизлик ёнма-ён бўлганидек, унинг Афинадаги мағлубияти бир тасодиф, холос. Рустам Саидовнинг истиқболига ҳеч қандай шубҳа қилмайман. Унинг юлдузли онлари ҳали олдинда эканлигига ишонаман.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



«Ўзбекистон овози» газетаси ўқувчилари ва барча бокс ишқибозларига сиҳат-саломатлик, ишларида ривож тилайман. Ҳаётда омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин! (имзо) Рустам Саидов

**Суратда:** 2000 йил. Сидней. Рустам Саидов афсонавий боксчи Муҳаммад Али билан.

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ТАНИ СОҒЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

(туман — ўн минг, бу ерда хад-ҳисобсиз деган маънода келтирилган). «Халқ соғлиги — юрт бойлиги», «Соғлигинг — бойлигинг», «Кимхоб тўнинг бўлгунча, олтин бошинг омон бўлсин», «Соғлиқ бўлса, беклик бўлар», «Соғлиқда хўрлик йўқ», «Тани соғнинг — жони бор», «Тан саломати — жон роҳати», «Соғлом танда — соғ ақл», «Соғ юрак — тоғ юрак», «Тотли ҳаёт — тани соғлиқда», «Соғ одамга Суқротнинг кераги йўқ» (Суқрот — қадимги юнон файласуфи), «Соғ қуш донин топиб ер, соғ эр нонин топиб ер», «Совлиқ тўйда керак, соғлиқ кунда керак», «Тегара-тошинг ёв бўлсин, уйинг ичи сов бўлсин» (сов бўлсин — соғ бўлсин. Терага-тошинг — теварак атрофинг. «Тани-жонинг соғ бўлса, теварак-атрофинг ёв бўлса ҳам писанд қилмайсан, қийналмайсан, турмушингни ўтказаверасан», дейилмоқчи).

### ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ

Амри маҳол — амалга оширилиши гумон, жуда қийин, имкони бўлмаган иш. Бу мақолни кўпинча: «Ёмон одам ўзининг ярамас, ёқимсиз беўхшов қилиқларини, одатини ташламайди, ташлай олмайди ҳам», деган маънода айтадилар.

### ТАҚЛИД БИЛАН ТОНГ ОТМАС

Тақлид қилмоқ — иш-ҳаракатда, юриш-туришда, гап-сўзда ва ҳ.к. бировга ўхшаш, бировникига ўхшатиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқ. Мазкур мақол билан: «Бировга тақлид қиламан деб, вақтингни зое ўтказма, ўзинг ўрган, ўзинг ҳаракат қил» деган маънода насиҳат қиладилар.


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2004 йилнинг 24,28,31 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уйда жойлашган «Hajm bloki uy qurilish tajribaviy kombinati» акционерлик жамиятининг 1986 йилда қурилган, майдони 12096 кв.м. бўлган омборхона биноси қўйилади. Бинонинг баландлиги 14,4 метр. Сув, иссиқлик, канализация ва электр тармоғи билан таъминланган. Омборхона ҳудуди темир бетонли тўсиқлар билан ўралган. Дарвозаси темирдан. Омборхонада — 32 тонналик юк кўтарувчи 4 дона кўприкли кран мавжуд. Объектнинг бошланғич нархи — 453 600 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Уйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.**

**Гувоҳнома № 000815**


## КЛИЧКОНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Украиналик моҳир боксчи Виталий Кличко ўта оғир вазнли чарм қўлқоп усталари ўртасида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди. У британиялик Дэнни Уильямсни техник нокаутга учратди. Дэнни тўрт маротаба нокдаунга учраганини ҳисобга олган ҳакам Жей Нейди 8-раундда ўйинни тўхтатишга мажбур бўлди.

Биринчи раунднинг охирида ўнг қўл билан берилган кучли зарбдан кейин Уильямс нокдаун ҳолатига тушди. Учинчи раундда у иккинчи марта нокдаунга учради. Тўртинчи раунд тенг кучлар остида ўтди, деса бўлади. Еттинчи раунд бошида Кличконинг зарбасидан Дэнни яна йиқилди. Ниҳоят саккизинчи раунд Дэнни учун қимматга тушди. У кўзини очиб, ринг арқони тагида ётганини кўрди. Кличко ажойиб ғалабага эришди.



**Интер-спорт**

## «ТАЙСОНГА ДАЪВО ҚИЛМАЙМАН»

Маълум бўлишича, ўта оғир вазнли боксчи, собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон кечаси кайфда тунги клуб деразасидан сакраган. Оқибатда 22 ёшли Асаф Аликадичга тегишли енгил машинанинг пачағини чиқарган. Моддий зарар кўрган ҳайдовчи полицияга хабар қилган. Энди эса: «Мен Тайсон билан жиддий музокарага бориш ниятида эмасман, — демоқда. — Ўйлайманки, машинамнинг капотини тунги клуб маъмурияти тузатиб беради. Полицияга хабар беришимдан мақсад, олдиндан суғурта масаласини йўлга қўймоқчи эдим». Нима бўлганда ҳам Тайсон ўзининг ҳурмача қилиғи билан 1,4 минг долларли зарар етказгани рост.



**Тажриба, таҳлил ва мулоҳаза**

# СВЕТОФОРНИНГ ҚИЗИЛ ЧИРОҒИ

## ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига риоя қилмаган қоидабузар ҳайдовчиларга жазо чораларини кучайтириш керакми?

Яқинда газеталардан бирида қизиқарли мақола ўқидим. Унда муаллифнинг Франция пойтахти — Париж шаҳри кўчаларидан олган таассуротлари баён этилганди. Муаллиф шундай ёзганди: «Автомобилда Париж кўчаларидан юриб Шарл Де Голь майдонига рулни бурдим, шеригим билан суҳбат қизигандан қизиди, шу аснода светофорнинг қизил чироғини кўрмай, ўтиб кетибман. Париж кўчаларида полициячилар кўринмайди. Улар эрталаб ва кечқурун йўлларни машинада айланадилар. Аксига олиб, мен қизил чироқдан ўтиб кетган вақтда ёнгинамдан қизил-кўк чироқларини ярқиратиб полиция автомобили ўтаётган экан. Улар шу заҳоти мени тўхтатишди. Уларнинг менга қилган муомаласи ҳамон ёдимда. Ўша пайтда уларнинг юзида ҳайронлик аломати кўриниб турарди. Чунки тартиб-интизом назоратчилари кўз олдида бундай қўпол қоидабузарликка йўл қўйилгани улар учун ақл бовар қилмайдиган иш эди. Мен Парижда биринчи марта меҳмонда эканимни, суҳбатдошим билан чалғиб, қизил чироқда ўтиб кетганим учун узр сўрадим. Француз полициячилари мендан бундан кейин ҳушёрроқ бўлишим ҳақида ваъдамни олиб, қўйиб юбордилар».

Ҳозир ўша мақолани эслашим ва унда баён этилган воқеани ёдга олишимга ўзига хос сабаб бор. Агар Париж кўчаларида рўй берган воқеа бизда, яъни Тошкент кўчаларида юз берса, нима бўларди? Инспекторларимиз «қизил чироқдан ўтиб кетган» ҳайдовчига қандай муносабатда бўлишарди? Кўнглимда туғилган бу саволга жавоб топиш ҳам унчалар мушкул эмас. Чунки йўл ҳаракати қоидаларини бузган айбдорга нисбатан жазо чоралари мезони мавжуд. Аммо гап ҳозир қоидабузарни жазолашдан аввал унга нисбатан қандай муносабат билдирилганлик ҳақида. Юқорида тилга олинган мақолада муаллиф Парижда бир неча кун яшаб, йўл полициячиларининг асосий вазифаси йўллардаги ҳаракат мўътадиллигини кузатиш, керак бўлса йўл қўйилган хатони тузатиш йўлларини кўрсатиш экан, деган фикрни айтган. Улар бундай тартиб-интизомга қандай эришганликлари хусусида ўйланиб қолишингиз аниқ. Бундан 10 йил олдин ўша Францияда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳар йили 10 000 дан ортиқ одам ҳалок бўлган. Охирги 10 йил ичида эса бу кўрсатгич тўрт баравар камайган. Бизда эса 2004 йилнинг фақат 11 ойи мобайнида мамлакатимизда ҳайдовчилар айби билан 8 000 дан ортиқ, пиёдалар айби билан 1500 га яқин йўл-транспорт ҳодисалари рўй берган. Уларда ҳалок бўлган одамлар сони 2000 га яқин, жароҳатланганлар эса 10 000 нафарга яқин. Бу рақамлар орқасида чил-чил бўлган қанчадан-қанча тақдирлар бор. Эҳтиётсизлик, интизомсизлик натижасида кимдир отасидан, кимдир боласидан жудо бўлган, кимдир умр бўйи ногирон бўлиб қолган. Энг даҳшатлиси, автомобилни маст ҳолатда бошқариш оқибатида содир этилган 200 дан ортиқ ЙТҲ да ҳалок бўлган 50 дан ортиқ, ногирон бўлиб қолган 300 дан ортиқ инсонлар йўлга чиққанда не хаёлларда бўлганлиги ҳамма учун қоронғулигича қолади. Шу турдаги қоидабузарлик учун ўша Францияда биринчи марта бир неча юз евро миқдорида жарима солинади. Қоидабузарлик қайтарилса, 4 500 евро миқдорида жарима, ҳайдовчилик гувоҳномасидан 3 йил муддатга маҳрум этиш ва 2 йилгача қамоқ жазоси қўлланилар экан. Бундай жазоларни тасаввур қилган ҳар қандай соғлом одам спиртли ичимликлар ичиб икки дунёда ҳам рулга ўтирмаса керак!

Бизнинг амалдаги қонунларга асосан транспорт воситасини бир йил давомида биринчи марта маст ҳолда бошқарган ҳайдовчиларга тахминан 32000 сўмдан 45000 сўмгача жарима солинади ёки автомобил бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этилади. Агар йил давомида бундай ҳуқуқбузарлик такрорланса, ҳайдовчи 3 йил муддатга автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Маълумотларга кўра, 2004 йил 11 ой давомида ЙҲХБ ходимлари томонидан 60000 га яқин автомобилни маст ҳолатда бошқариш ҳолатлари аниқланиб, ўз вақтида тегишли чоралар кўрилганлиги туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Бунинг учун ЙҲХБ ходимларига миннатдорчилик билдиришимиз керак.

Ҳа, биздаги жазолар, бир сўз билан айтганда, ўта юмшоқ. Яна бир энг кўп учраб турадиган қоидабузарлик — бу белгиланган тезликни оширишдир. Фақатгина шу қоидабузарлик оқибатида 2004 йилнинг 11 ойида мингдан ортиқ ЙТҲлар содир этилиб, уларда 350 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлган, 1200 га яқини тан жароҳати олган. Республикамизда белгиланган тезликка риоя этилмаган ҳолатларда тахминан 3200 сўмдан 6500 сўмгача, бу ҳолат йил давомида яна такрорланса, тахминан 6500 сўмдан 13000 сўмгача жарима, учинчи бор қайтарилганда 19500 сўмгача жарима, тўртинчи марта такрорланганда эса жарима билан бирга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ой муддатгача маҳрум этиш кўзда тутилган.

Францияда белгиланган тезликдан соатига 50 км. тезроқ ҳаракатланса бас, ҳайдовчи ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Агар қоидабузарлик такрорланса, катта миқдордаги жарима билан биргаликда 2 йилгача қамоқ жазоси тайинланади. Тезликка риоя этмаганларни аниқлаш учун мамлакат йўллари бўйлаб автоматик тарзда ишлайдиган радарлар ўрнатилган. Уларда қайд этилган қоидабузарликлар махсус марказда жамланади ва бир ҳафта ичида тезликни оширган ҳайдовчиларга нисбатан жазо қўлланилади. Бундай радарларнинг ҳар бири 80000 евро туради, лекин олиб борилган таҳлилларга кўра, улар ярим йил ичида ўзини тўлиқ оқлар экан.

Францияни қўйиб турайлик, бизга яқин жойлашган Россияни олсак, бу мамлакатда ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига асосий омил бўлаётган белгиланган тезликка риоя этмаслик ҳолатлари бўйича қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари кучайтирилган. Масалан, белгиланган тезлик талабларидан 10-20 км. соатга тезлик оширилса — 50 рубл миқдорида, 20-40 км. соатга оширилса — 100 рубл, 40-60 км. соатга оширилса — 100 рублдан 300 рублгача жарима солинади. Агар тезлик белгиланган тартибдан 60 км. соатга оширилса — 300 рублдан 500 рублгача жарима солинади ёки 2 ойдан 4 ойгача муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Бундан ташқари, кўпгина йўл-транспорт ҳодисаларига пиёдалар ҳам сабабчи бўлишар экан. Статистик маълумотларга кўра, шу йилнинг 11 ойида республикамизда пиёдалар айби билан 1500 га яқин ЙТҲ содир бўлган. Уларда 260дан ортиқ одам ҳалок бўлган, 1100 дан ортиқ одам тан жароҳати олган. Амалдаги қонунларга биноан ҳуқуқбузарлик содир этган пиёдага нисбатан жуда кам — 650 сўм атрофида жарима солинади.

Йўлларда транспорт воситалари оқимининг кучайиши бизни янада эҳтиёткорроқ, ҳушёрроқ бўлишимизни талаб қилади. Мутахассислар фикрича, йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлаётган қоидабузарликларнинг олдини олишнинг энг таъсирчан йўли — бу қоидабузарликлар учун қўлланиладиган жазони кучайтириш эканлигини хорижий мамлакатлар тажрибасида кўришимиз мумкин. Бизда ҳам бундай усулларни қўллаш вақти келмадимикин?! Ўшанда биз ҳам йўлларимизда ҳалок бўлаётган кишилар ва жароҳатланганлар сонини, умуман йўл-транспорт ҳодисаларининг миқдори камайишига эришамиз. Йўлларимизда ҳавас қилгудек тартиб-интизом ўрнатардик.

**Норбобо ШАКАРОВ**


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchilar: **Matnazar ELMURODOV, Xurshid RAUPOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
**Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
*Hajmi 2 bosma taboq.*



«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 257
**12757 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**